



«ARMI – 2022» G'OLIBLARI

4-sahifa ▶▶

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2022-yil 23-sentabr, №38 (2997)

YANGI O'ZBEKISTONDA EL AZIZ, INSON AZIZ

VATANPARVAR

www.mv-vatanparvar.uz IJTIMOIIY-SOVIET HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI




SALOMATLIK MAYDONI «JANGCHISI»

5-sahifa ▶▶



POLIGON TAFTI

6-sahifa ▶▶



“MAG'LUBIYATLAR MENI CHEMPION QILDI...”

11-sahifa ▶▶

@ vatanparvar-bt@uamail.uz

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

KELAJAKKA E'TIBOR BUGUNDAN BOSHLANADI



Tahririyat
haqida
ma'lumot



Sayyor qabul

МУРОЖААТЛАРГА МУНОСИБ ЕЧИМ



Мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев тегишли бош бошқарма ва бошқарма бошлиқлари билан биргаликда фуқароларнинг мурожаатини атрофлича ўрганиб чиқиб, шу жойнинг ўзида амалий ёрдам кўрсатди. Бу эса кўплаб чигалликларнинг ечилишига, саволларга жавоб топилишига сабаб бўлди.

Очиғини айтганда, замон шиддати, техника тараққиёти, одамларни бир-бирдан узоқлаштириб қўймоқда. Дунёнинг нариги чеккасидаги, бизга мутлақо алоқаси бўлмаган, аҳамиятсиз воқеалардан интернет орқали хабардор бўламиз. Ачинарлиси, баъзида ёнимиздаги кишиларнинг муаммосидан, дардларидан огоҳ эмасмиз.

Мудофаа вазирлиги қабулхонасидан фуқаролар юзи ёришиб, айрим оналар қувонч кўз ёшларини артиб чиқиб кетаётганига гувоҳ бўлдик. Албатта, уларнинг муаммолари, мурожаатлари турли-туман. Бири ижтимоий ҳимоя, бошқаси тиббиёт ёки уй-жой билан таъминланиш борасида, ҳарбий хизматга қайта тиклаш масаласида мурожаат қил-

ганлар ҳам етарлича топилди. Хизмат жойини туғилган ҳудудига яқинроқ жойга ўзгартириш илинжидагилар ҳам учради.

Улардан бири кичик сержант Алишер Турсунов Наманган кимё-технология институтини тамомлаган экан. 5 йилдан буён ҳарбий хизматда. Мутахассис сифатида юксак манзилларни кўзлаган. Унинг офицер бўлиш орзуси амалга ошадиган бўлди. Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Жамшид Тошев фарзандининг соғлиғини тиклаш учун иш жойини Тошкент шаҳрига ўзгартириш бўйича мурожаат қилди. Болалар тақдири учун жон куйдираётган ота-онанинг хоҳиши ўз ўрнида ечимини топди. Тошкент давлат Транспорт университетини тамомлаган Нодир Қурбонов Ватан ҳимоячиси сифатида эл қорига

яраш ниятида эканини билдирди. Фуқаронинг ҳарбий хизмат фаолиятини бошлашига пойдевор қўйилди. Яқин паллада уни сафдошларимиз орасида кўриб қолсак, ажабланмасак ҳам бўлади.

Мурожаатларнинг ҳар бирига тўхталиб, қимматли вақтингизни ўғирламоқчи эмасмиз. Шу куни жуда кўплаб юртдошларимиз хурсандчилик билан оила даврасига қайтгани, қанча муддат интиқ кутган режаларининг рўёбига ҳозирлик кўргани рост. Муҳими, буларнинг барчаси ҳарбий хизматчиларнинг оилавий хотиржамлигига, шу орқали Ватанимиз сарҳадларининг ишончли ҳимоясига хизмат қилади.

Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

Mukofot muborak!

“VATANPARVAR” МУХБИРИ ҲУҚУҚИЙ ИЖОДИЙ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

«Vatanparvar» бирлашган таҳририяти жамоаси мамлакатимиз маданий ва ижтимоий ҳаётида ўз ўрнига эга, қалами ўткир, диди юксак ижодкорларни ўзида жамлаган. Бунини ижодий жамоа вакиллари республика миқёсида ўтказилаётган турли танлов ва беллашувларда муносиб иштирок этиб, муваффақият қозонаётганида ҳам кўриш мумкин.

Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан «Мустақил Ўзбекистонда менинг ҳуқуқларим» шиори остида ҳуқуқий ижодий танлов эълон қилинган эди. Мазкур танловнинг медиа маҳсулот (фото, аудио ва видеомате-

риаллар) номинациясида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги «Vatanparvar» бирлашган таҳририяти бўлим катта офицери, журналист катта лейтенант Бобур Элмуродов фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, ҳамкасбимиз матбуот йўналишида фао-



лият юритишига қарамай, журналистиканинг барча жабҳаларида ҳам ўз маҳоратини кўрсатиб келмоқда. Зеро, ҳамкасбимизнинг медиа маҳсулот номинациясида ғолибликни қўлга киритиши унинг нафақат сўз, балки тасвир ва оҳангни ҳам теран англашини кўрсатади.

Албатта, бу каби муваффақиятлар Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти, хусусан, «Vatanparvar» бирлашган таҳририяти ижодий жамоасининг ютуғидир.

ТАҲРИРИЯТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

Мамлакатимизда олиб борилаётган дастурий ислохотлар фуқароларимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган бўлиб, бунда ҳарбийларнинг ўрни бекиёс. Мудофаа вазирлигининг офицер, сержант ва аскарлари ҳамиша юрт тинчлигини таъминлаш йўлида ҳушёр ва сергак туриб, ўзларининг касбий маҳоратини домий ошириб келмоқдалар. Бунда дала-ўқув машқлари ҳамда бошқа давлатлар армиясининг вакиллари билан тактик ўқувлар ўтказилиши, мудофаа ва хавфсизлигимизга таҳдид солувчи халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизм каби хавф-хатарларни ўз вақтида бартараф этиш каби касб кўникмаларини эгаллашларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Юрт тинчлигини таъминлашга ҳар биримиз масъулмиз, таълим ва тиббиёт, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳа вакиллари ибратли фаолиятлари билан, ўқувчи ва талабалар эса аъло ўқиши ҳамда намунали хулқ-атвори билан ҳисса қўшишимиз даркор. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.М. Мирзиёев: «Ишончим комил, биз жонажон Ватанимизга бўлган чексиз меҳримиз ва садоқатимизни муқаддас байроқ қилиб, бор билим ва тажрибамиз, ақл-заковатимизни ишга солиб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган эзгу мақсадларимизга албатта етамиз», деганларида, айнан фуқаролик позициясига содиқ қолиб, фидойилик кўрсатишимизни назарда тутган.

Чунки Янги Ўзбекистонимизнинг барқарорлиги ҳар биримизда мужасамлашган ватанпарварлик туйғусини ифодалашимизга боғлиқ бўлиб, бу йўналишда давлат даражасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Асосий мақсадимиз Ватанимиз ҳудудида турли кўринишдаги вайронкор ғояларнинг кириб келмаслиги, тинчликсеварлик, меҳмондўстлик каби азалий қадриятларимизни қандайдир тақлидчиликка асосланган, миллий ва диний илдишга эга бўлмаган сохта «хулқ-атвор» билан алмаштиришга йўл қўймасликини таъминлашимиз шарт. Бу ҳолат, ўз навбатида, Ватанни ҳимоялаш нафақат қурол-аслаҳа ёки махсус техникалар билан, балки ақлу идрок, кучли билим ва тафаккурга эга бўлишни тақозо этади. Боз устига, хавф ва хатарларнинг характери ўзгариб боришини инобатга олсак, бугунги ҳарбий хизматчилар доимий тарзда юқори жанговар руҳни сақлаб туришлари лозим бўлади.

Жанговар рух, ҳарбий хизматчиларнинг юрт тинчлиги ва равнақини таъминлаш ғоясига ишонганлиги, ботирлиги, топқирлиги, метин ирода ва танқидий тафаккур соҳиби бўлиш каби шахсий сифатларига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли мутахассисларни ҳарбий соҳага тайёрлашда фаолиятнинг маънавий асосига эътибор қаратиш талаб этилади. Чунки ҳар қандай мукамал қурол-аслаҳа ёки техника ҳарбий хизматчи томонидан бошқарилади. Ғоявийлик, садоқатлик ва фидойилик газандани шафқатсиз тор-мор қилишга, уни жон-жаҳди билан янчи ташлашда намоён бўлади. Бу жанговар тажриба ва руҳни шакллантиришда командир масъул эканлигини кўрсатади. **Жанговар рух, ҳарбий жамоалардаги иноқлик, ўзаро мадад кўрсатиш одатининг борлиги, ҳарбий хизматчиларнинг бир-бирига ёрдам қўлини чўзиши, ҳамкорликда ўқув-жанговар вазифаларни бажаришлари каби ҳарбий, ижодий, маънавий муҳит ҳукм сурадиган жамоаларда шаклланади.**

Жанговар рух узоқ вақт давомида шаклланиб, ўз касбини севадиган командиргина ҳар бир ҳарбий хизматчинини ўқув-жанговар вазифаларни бажара олишга руҳлантира олади. Руҳлантириш, кундалик хизмат фаолиятида ёки фавқулодда вазиятларда ҳам командир томонидан олиб борилиши мумкин. «Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий санъ-



ати» китобида ҳар бир жанг олдидан саркарданинг шахсан ўзи жангчиларни ғалаба қозонишга, мардлик кўрсатишга қодир эканлигига ишонтириб, уларни жасорат кўрсатишга чорлаганки, буни йўлбошчилик маҳорати тарзида эътироф этиш мумкин.

Бугунги кунда жаҳоннинг турли оммавий ахборот воситаларининг саҳифаларида жанговар рух тушунчаси жуда кўп қўлланилмоқда. Баъзан у ахлоқий-руҳий ҳолат каби тушунчалар билан гўёки тенг маънода кўрилатгандек. Ваҳоланки, ахлоқий-руҳий ҳолат маънавий қамров жиҳатидан кенгроқ саналиб, у ғоявий тайёргарлик, сиёсий англанганлик, ижтимоий ҳимояланганлик, касбий маҳорат, жанговар ўртоқлик каби фазилатлар шаклланганлиги ҳисобидан ифодаланади.

Жанговар руҳни таъминлашга доир ҳарбий психология фанида, хусусан, Шарқ ҳарбий психология тарихида бир қатор асарлар яратилган. Бунга Мулло Холбек бин Мулло Мусонинг «Алимқул жангномаси», Шариф Мухаммад Мансур Саъид Абул Фараж Муборакшоҳ (*Фахри Мудаббир*) «Адаб ал-ҳарб ва-ш-шужоат» (*Уруш олиб бориш ва мардлик қоидалари*) каби асарларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Бу асарларда миллий қаҳрамонлар ва саркардаларнинг жасорати, жанг майдонидаги яккама-якка тўқнашувлар, совуқ қуроллардан фойдаланиш, жангчиларнинг ҳимоя кийимлари, жангчиларнинг ҳаракати, ўқотар қуролларни тайёрлаш каби ҳарбий мавзуларга доир тарихий-ҳарбий маълумотлар келтирилган. Мазкур манбалар бевосита руҳий тарбияни амалга ошириш нуқтаи назари асосида ҳарбий-психологик жиҳатдан ўрганилиб, курсантларимизнинг ҳарбий-касбий кўникма ва малакасини шакллантиришда қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Жанговар руҳни кўтариш бу ҳарбий хизматчини ўқув-жанговар вазифани бажаришга, ғалаба қозонишга ички руҳий жиҳатдан тайёрлаб, сафарбар этишдир. Бунинг учун командир, **«Яшанг, – ўзбегим аскарлари!»**, **«Ҳарбий хизматчи Мамасолиев – қисмимиз ифтихори!»**, **«Биз биргамиз, аскарларим!»** каби руҳлантиришнинг содда кўринишларидан фойдаланиб, уларни жисмоний ва руҳий жиҳатдан фаоллаштириши мумкин.

Назарий жиҳатдан таъкидлаш мумкин, ўқув-жанговар вазифаларни бажариш олдидан ҳарбий хизматчининг психикаси атрофдаги борлиқни – ўқув-жанг майдонини уларнинг онгида акс эттиради. Бунинг натижасида онгда гўёки «ўзгариш» ёки «силжиш» пайдо бўлади. Аслида психика ўқув-жанг майдонида кечадиган ҳолатларни онгда акс эттирганда, ҳарбий хизматчининг организмида адреналин ва кортизол моддалари ажратилади ва улар қонга аралашади. Бунинг оқибатида ҳарбий хизматчининг организмида кўзғалиш – шайлик ҳолати вужудга келади. Натижада ҳарбий хизматчининг:

- ўқ товуши, тутун, турли хил овозлар ва ҳидларга нисбатан жавоб реакциясининг тезлиги ошади;
- кайфият кўтарилиб, жисмоний ва касбий жиҳатдан ўзини намоён этиш иштиёқи пайдо бўлади;
- техника ва қурол-аслаҳаларни моҳирона қўллаш олишига ишончи ошади.

Кўриниб турибдики, жанговар руҳни кўтариш йўли билан, мудофаани таъминлаш йўлида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни самарали амалга оширишга эришилади. Шу сабабли командир жанговар руҳнинг таркибий қисмлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиб, уни таъминлаш усулларидан фойдалана олиши талаб этилади. Жанговар руҳнинг таркибий хоссаларини содда кўринишда қуйидагича кўрсатиб ўтамизки, бу, ўз навбатида, ҳарбий хизматчи шахсида:

- юқори даражада мотивацияга эга бўлганлигини;
- ҳарбий-касбий фаолликнинг ифодаланганлигини;
- мақсадга интилувчанликнинг мужассамлашганлигини;
- ҳарбий хизматнинг машаққатларига тоқатли бўлиш қобилиятига эга бўлишни тақозо этади.

Командир ана шу тўртта «куч»ни бир вақтда ҳаракатга келтирсанга, жанговар руҳни таъминлай олади. Бу, ўз навбатида, олий ҳарбий таълим муассасаларида «Ҳарбий психология тарихи», «Ҳарбий психология», «Амалий ҳарбий психология», «Ахлоқий-руҳий ҳолатни регуляциясини таъминлаш» каби психологик фанларни юқори савияда, замонавий илмий-услубий манбалар асосида ўташни талаб этади.

Ҳарбий психологлар ва командирлар орасида жанговар руҳни тарби-

ялаш ва уни таъминлашга оид ёндашувлар ҳар хил. Сабаби командирлар тажриба асосида, ҳарбий психологлар назарий-илмий асосда бу масалага муносабат билдиришади. Шу ўринда бир мунозарали мисол келтирамиз. Ҳарбий психология фанида сангвиник, холерик, меланхолик ва флегматик каби темпераментнинг асосий турлари тавсифланади. Жанговар руҳни тарбиялашда сангвиник ва холерик темперамент турлилар кўпроқ фидойилик кўрсатишади. Бу ҳолат психологдан флегматик ва меланхолик типлиларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Уларнинг мақсад ва натижаларга эришишга интилувчанлигини инобатга олиб мотивлаштириш, янги вазифаларни бажаришга йўналтириш жанговар руҳни тарбиялашда яқка тартибда ёндашиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Қайси командир шахсий таркибда жанговар руҳни тарбиялаб, ўқув-жанговар вазифаларни бажариш даврида уни намоён эта олишни таъминласа – ғалабани таъминлай олади.

Жанговар руҳнинг кўтаринчилигини таъминлашга доир ягона ёндашув мавжуд эмас. Ҳар бир командир ўзининг билим ва тажрибасига таянган ҳолда уни таъминлашга интилса-да, илмий-психологик асосларга эга бўлган омиларни инобатга олиш тавсия этилади:

Биринчидан, ўқув-жанговар вазиятни инобатга олиш, яъни ҳарбий хизматчи қайси тактик ҳаракатни амалга ошириши лозим;

Иккинчидан, ўқув-жанг майдонида жисмоний ва руҳий зўриқишларнинг мавжудлиги;

Учинчидан, ўқув-жанг майдонидаги жараёнларнинг қайси ҳолатида командирнинг ўзи намуна, ибрат бўлиши.

Командир инобатга олиши лозимки, жанговар руҳни кўтаринчи ҳолатда сақлаш учун, ҳарбий хизматчиларнинг ирода кучи муҳим белгиловчи омил саналади. Ирода кучи фақатгина танага ғамхўрлик кўрсатишда, яъни тўғри овқатланиш, ўз вақтида дам олиш ва жисмоний фаолликни сақлаш билан таъминланади. Жанговар руҳни тарбиялашнинг баъзи жиҳатларини келтирамизки, токи командирлар хизмат давомида ундан ўринли фойдалансинлар:

– ҳарбий хизматчиларга тўғри вазифа қўйиб, қарор қабул қилишни ўргатиш;

– белгиланган мақсадга эришиш учун бажарган ҳаракатларини мақташ, қўллаб-қувватлаш;

– муваффақиятларини ибрат қилиб кўрсатиш, камчиликларни бартараф этиш йўлларини ўргатиш;

– ўқув-жанговар машқларни бажариш давомида ҳарбий хизматчиларга йўлдошлик қилиш;

– вазифаларни қўйишда ҳарбий хизматчининг жанговар қобилиятини инобатга олиш;

– ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар билан боғлиқ бўлган ҳаётий воқеаларни айтиб бериш.

**Полковник
Рустамжон САМАРОВ,
психология фанлари номзоди,
фалсафа фанлари доктори,
профессор**

Men g'olib!



«АрМИ – 2022» ҒОЛИБЛАРИ

муносиб тақдирланди



Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар кўшинлар жанговар шайлиги, унинг халқаро майдондаги нуфузининг тобора ортиб боришига замин яратмоқда. Буни биргина Халқаро армия ўйинларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритаётган жамоаларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари жорий йилнинг 15 август кунидан 27 августга қадар йилнинг энг нуфузли ҳарбий мусобақаларидан бири бўлган «АрМИ – 2022» Халқаро армия ўйинларида муносиб иштирок этиб, миллий армиямиз куч-қудрати ва салоҳиятини яна бир бор, тўлатқис кўрсата олди. Шиддатли ва мурасиз кечган беллашувларда вакилларимиз 7 та олтин, 10 та кумуш ва 5 та бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, 22 та шахсий ва жамоавий рекорд натижаларни ҳам қайд этиб, 37 та давлат ичида умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги терма жамоалари бу йилги мусобақаларнинг 21 та йўналишида қатнашиб, 5 тасига мезбонлик қилди. Хусусан, Жиззах вилоятида жойлашган Марказий ҳарбий округнинг «Фориш» полигонида «Қуролсоз уста» ва «Дала ошхонаси», Самарқанд вилоятидаги «Сазаган» полигонида «Хавфсиз муҳит», Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда «Йўл патрули» ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Содиқ дўст» мусобақалари ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, дунё армияларининг энг кучли жамоалари

ўзаро кураш олиб борган «АрМИ – 2022» ўйинларида Ўзбекистон бу йил ҳар қачонгиданда юқори натижаларни қайд этди. Албатта, бу миллий

армиямизда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар самарасидир.

Пойтахтимиздаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасининг амфитеатрида Халқаро армия ўйинларида муваффақиятли иштирок этган ҳарбий жамоалар ҳамда ҳарбий хизматчиларни қутлашга бағишланган тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси

вакиллари, Олий Мажлис депутатлари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила

аъзолари, нуруний ва ёшлар иштирок этди. Ҳар бир йўналиш бўйича саҳнага чиққан ҳарбий жамоа аъзолари тантанали равишда вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан қимматбаҳо ва эсдалик совғалар, пул мукофоти ҳамда мuddатидан олдин навбатдаги ҳарбий унвонлар билан тақдирланди.

**Лейтенант
Исломжон ҚўЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»**

Bugunimiz qahramonlari

САЛОМАТЛИК МАЙДОНИ «ЖАНГЧИСИ»

Хаётда касбу ҳунарларнинг тури беҳисоб. Аммо фақат икки соҳа вакилларининг касбигагина «посвон» сўзи қўшиб айтилади. Булар ҳарбий хизматчилар ва шифокорлар, яъни Ватан ва саломатлик посвонларидир. Ҳар икки соҳа ҳам ўта масъулиятли, ҳар иккиси ҳам туну кун бедорликни, душманга қарши — дард «лашқари» ва тинчлик ёғиллари ила курашишни талаб этади. Икки соҳада ҳам касбига садоқатли бўлишга оид ичилади. Агар шифокор ҳарбий хизматчи бўлса-чи? Бу энди икки баровар масъулият ва фидойилик дегани.

Сизга таништирмоқчи бўлган лавҳамиз қаҳрамони — тиббий хизмат полковниги Анвар Шакарров бор билим ва маҳоратини, умри ҳаловатини ҳарбий хизматчилар саломатлигига бахшида этиб келаётган малакали тиббиёт вакилларидан.

ХИЗМАТГА МУНОСИБ МУКОФОТ

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғининг терапия бўйича ўринбосари – Мудофаа вазирлиги бош терапевти тиббий хизмат полковниги Анвар Шакарров Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонида кўра, II даражали «Саломатлик» ордени билан тақдирланди.

Шубҳасизки, бу улғу мукофот, бу эътироф госпиталь жамоаси ва Анварнинг яқинлари учун қувончли хушxabар бўлди. Албатта, бундай юксак давлат мукофоти эришининг ўзи бўлмайди. Инсон меҳнати ва фидойилиги қадрланадиган юртимизда касбини севган, элим-юртим деб ёниб яшаган одам борки, албатта юзага чиқади.

Тиббий хизмат полковниги Анвар Шакарров 25 йилдан буён ҳарбий шифокорлар сафида. Ҳарбий хизматчилар мамлакатимизнинг турли худудларида ўз бурчини адо этгани каби Анвар ҳам Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факультетини битиргач, ҳарбий шифокор сифатида бир қатор ҳарбий қисм тиббиёт пунктларида фаолият юритди. 2002 йилдан Марказий ҳарбий клиник госпиталь кардиология бўлимида даволовчи врач сифатида хизматини давом эттирди. 2006 йилдан шошилиш терапия бўлими бошлиғи, 2020 йилдан эса госпиталь бошлиғининг терапия бўйича ўринбосари вазифасида ҳарбий хизматчилар саломатлигига камарбаста бўлиш билан бирга, ҳарбий тиббиёт ривожига улкан улуш қўшиб келмоқда.

Шубҳасизки, тиббиётда тинимсиз ўз устида ишлаш, ўқиб-ўрганиш, тажриба ошириб бориш талаб этилади. Неча юзлаб инсонларнинг саломатлиги, яъни ҳаёти қўлида бўлган шифокор учун бу катта аҳамиятга эга. Тиббий хизмат полковниги Анвар Шакарров ҳам 2006 ҳамда 2018 йиллари Санкт-Петербург шаҳридаги ҳарбий тиббиёт академиясида малака оширди. 2010 йили Германиянинг Гамбург шаҳридаги ҳарбий госпитальда бир ярим йил давомида терапия йўналишида тажриба ошириб, билимини мустаҳкамлаб қайтди.



МАЛАКА ВА ТАЖРИБАГА ТАЯНИБ

Шифокор қаерда, қайси даврада бўлмасин, ундан даво истовчилар, маслаҳат олгувчилар топилади.

– Дўстим, сенга бир илтимосим бор эди, – туғилиб ўсган гўшаси Қамашига борганида Анварга юзланди дўстларидан бири. – Ён қишлоқдаги танишимнинг отаси оғир аҳволда, юраги касал. Дўхтирлар уйига қайтариб юборган, умри борича кўнглига қараб турунлар, деган. Чикмаган жондан умид, дейишади. Сен тажрибали кардиолог, малакали шифокорсан, даволаб кўр-чи.

– Майли, лекин шифокорлар қайтариб юборганига қараганда, жиддий сабаб бўлса керак.

– Билмадим, қанча даволанса ҳам муолажаларнинг таъсири бўлмабди. Юрагидаги дардни аниқлай олишмабди. Сен даволасанг, балки бирор натижа чиқар...

Олтмишдан ошган отахоннинг ҳолати чиндан ҳам аянчли эди. Овқат емай қўйган ўта озгин эркак умрининг сўнгги кунини кутмоқда. Нияти Аллоҳга омонатини топшириб, оғриқлардан қутулса бўлгани. Бундай пайтда муолажалардан чарчаган, руҳан толиққан, яшашдан умидини узган бемор билан тиллашишининг ўзи бўлмайди. Тажрибали

шифокор гапиришга-да ҳоли йўқ бемор билан сирлаша олди. Юрагида кечаётган ҳолатни ўрганиб чиқди ва дори-дармонлар тавсия қилди. Энг асосийси, унинг руҳиятига яшашга бўлган умид, шифо топишга ишонч туйғусини сингдира олди. Кўп ўтмай, отахон оёққа туриб, тенгқурлари даврасига қайтди...

Бундай воқеалар тажрибали шифокор ҳаётида учраб туриши табиий ҳол. Айниқса, коронавирусга қарши кураш даврида ҳарбий шифохонада юрак соҳасидаги оғриқдан таҳликага тушган беморлар шифокор муолажасидан саломатликлари тикланганидан хабаримиз бор.

ҚАД РОСТЛАШДАГИ АЗИЗ ТАЯНЧЛАР

Одамзод туғилгандан бошлаб, ҳар қадамда атрофидаги меҳрли инсонлар тафтини ҳис қилиб қад ростлайди. Буларнинг энг улуғи ота-онадир. Нуроний ёшда умргузаронлик қилаётган Долли ака билан Қўйсин опа етти фарзандни улғайтириб, зиёлилар сафига қўшган заҳматкаш ота-оналардан. Математика, она тили ва адабиёти фанларидан узоқ йиллар ўқувчиларга сабоқ берган бу фидойи зотларнинг ўғил-қизлари ҳам ўзлари каби меҳнаткаш чиқди. Анвар миллат фарзандларига зиё

улашган мана шу зиёли инсонларнинг зурриёди. Унинг «Саломатлик» ордени олгани хабари ота-она кўксини кўкларга кўтарди.

– Инсонга ҳар доим беминнат таянч бўла оладиган зотлар ота-онаси, шубҳасиз, – дейди Анвар суҳбат чоғида. – Менинг ҳар бир ютуғимда ота-онам ва устозларимнинг катта улуши бор. Тиббиётда «Устоз-шогирд» аънанаси катта аҳмиятга эга. Мен бу борада тиббиёт олийгоҳида сабоқ берган устозларим олдида бош эгаман. Касбий маҳоратимни оширишда эса устозларим истафодаги тиббий хизмат полковниклари – Рўзбой Носиров, Адҳам Қодиров, Валерий Исанов ҳамда Бахтиёр Мухиддиновдан чексиз миннатдорман. Уларнинг ҳар бир ўғит ва сабоғи шогирдлар учун олтинга тенг. Менга тақдим этилган бу мукофотда устозларим ва госпиталь жамоасининг катта ҳиссаси бор.

Устозларидан ҳар қадамда миннатдор тиббий хизмат полковниги Анвар Шакарровнинг бугун юзлаб шогирдлари бор. Улар ҳарбий хизматчилар саломатлиги йўлида ҳарбий тиббиёт муассасаларида хизмат қилишмоқда. Қизи Гуласал ҳам отасига муносиб шогирд бўлишга бел боғлаган. Бўлажак шифокор айна фурсатда Тошкент тиббиёт академиясининг 4-босқич талабаси. Орзуси отаси каби касбини эъзозлаш, эл саломатлиги йўлида фидойи бўлиш. Ўғли Азаматжон эса Тошкентдаги ИНҲА университетиде таҳсил олмоқда. Кенжатоё Азизбек келажакда отаси каби ҳарбий шифокор бўлса, ажабмас. Кутубхоначилик касбини эгаллаган оила бекаси Гўзалхон турмуш ўртоғининг касби қай даражада заҳматли эканини тушунади. Анварга ҳар томонлама таянч бўлишга ҳаракат қилади.

Ҳаётда орзуларига эришиб, тўқис бахт топиш осон эмас. Бунинг учун инсон қалбида, босган қадамида эзгу мақсад бўй кўрсатиб туриши керак. Билим-заковат, касбий маҳорат, меҳру шафқат шифокор учун фарзи амалдир. Тиббий хизмат полковниги Анвар Шакарровда мана шу улғу неъматлар мужассам экан, доимо ҳурмат ва эътиборда бўлишига шубҳа йўқ.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

Ko'rgazma

БИРИНЧИ БОСҚИЧ КУРСАНТЛАРИ

Полигон тафтини Ўқис қилди



Эгнига ҳарбий либос кийган ҳар қандай Ватан ҳимоячиси нафақат жисмонан, балки руҳан иродали, турли вазиятларга шай ҳолатда бўлиши лозим. Шундагина у ўз олдига қўйган юксак мақсад – эл-юрт осойишталигини бекаму кўст таъминлайди. Бунда уларга дала-ўқув майдонларида ўтказиладиган доимий машғулотлар, миллий армиямизнинг профессионал офицерлари берадиган таълим муҳим ўрин тутади.



Эрта тонгда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясига ҳамда Қуролли Кучлар таркибига кирувчи бошқа олий таълим муассасалари, хусусан, Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академияси, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Божхона институти, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети, Тошкент давлат юридик университети ҳарбий кафедрасининг биринчи курсига саралаб олинган курсантлар ва Мирзо Улуғбек туманида жойлашган мактаб ўқувчилари «Чирчиқ» дала-ўқув майдонида сафланишди.

Унда академия бошлиғи полковник Бабур Шаякубов нутқ сўзлаб, 1-босқичга қабул қилинган барча олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантларини мақсад сари ташланган илк қадамлари билан табриклаб, шарафли касбларида муваффақият тилади.

Мазкур дала-ўқув майдонида курсантлар ва ўқувчи-ёшлар учун ҳарбий техникалар ва қурол-аслаҳа-

лар намоиши, уларнинг қўлланишига оид амалий кўргазма ташкил этилди. Ўқув нуқталарида курсант ва ўқувчиларга ҳарбий техникалар, ракета-артиллерия қуроллари, ўқотар ва гуруҳ қуролларининг техник



таснифи ҳақида батафсил тушунтириш берилди.

Кўргазмада илк бор иштирок этган Мирзо Улуғбек туманидаги 101-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиларида ҳам ҳарбий техника билан танишув жараёнлари ёрқин таассурот қолдирди. Ўз таассуротларини имо-ишоралар билан

тушунтираётган мактаб-интернати ўқувчиси Анвар Холбоевнинг гапларини бизга унинг ўқитувчиси шундай изоҳлаб берди:

– Биз бугун илк бор ҳақиқий ҳарбий техникани, қурол-аслаҳаларни қўлимиз билан ушлаб кўрдик. Бундан шахсан мен жудаям ҳаяжонландим. Сабаби бундай техника ва қуролларни аввал фақат киноларда кўрардим. Бугун ҳақиқий қуролларни қўлимда тутар эканман, юрагимда ватанпарварлик туйғуси янада жўш урди.

Шундан сўнг ҳарбий техника ва ўқотар қурол-аслаҳалар жанговар имкониятларининг амалий намоиши уюштирилди. Курсантлар ва ўқувчилар Ўзбекистон армиясининг салоҳияти, куч-қудрати ва ҳарбий хизматчиларнинг жанговор қобилияти ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлишди. Юқори курс курсантлари томонидан яқсон этилган ҳар бир шартли нишон улар томонидан қизғин олқишланди.

– Бугунги кўргазмада 1-босқичга қадам қўйган курсантларга моддий ҳарбий техник воситалардан фойдаланиш бўйича бошланғич кўникмаларни бердик, – дейди Қуролли Кучлар академияси 4-босқич курсанти Рўзиали Абдуллаев. – Уч йил аввал мен ҳам биринчи босқичга ўқишга қабул қилинганимда мана шундай ўқув машғулотларида тингловчи сифатида иштирок этганман. Бугун эса иштирокчи сифатида бўлажак ҳарбий хизматчиларга ўқув мобайнида ўрганган билимларимни амалиётда кўрсатиб, дастлабки кўникмаларни бердим. Бу ёшларда ҳарбий касбга қизиқишни янада оширади. Ўтган йилларда ҳарбий таълимни профессор-ўқитувчилар ва профессионал офицерлардан ўргандик. Эндиликда ёшлардаги, курсантлардаги ватанпарварлик туйғусини ошириш, уларга билим ва кўникмаларимизни улашиш бизнинг ҳам муҳим вазифаларимиздан бирига айланди.

Бу каби тадбирлар «Халқ ва армия – бир тану бир жон» эканлигини яққол кўрсатади. Қолаверса, ёшларда юртни севиш, тинчликнинг қадрига етиш, матонат ва жасорат туйғуларини оширишга хизмат қилади.

Рўзиқул ОЧИЛОВ,
«Vatanparvar»



Mulohaza



Бугунги кунда мафкуравий жараёнлар глобаллашуви ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Аксарият халқлар ўртасидаги низоларнинг келиб чиқиши, шунингдек, масофадан туриб фуқароларнинг давлат сиёсатига қарши намойишлар ўтказиши – буларнинг бари инфор­мацион таҳдидлар оламида юзага келмоқда.

Мана шундай кўр-кўрона таҳдидларга қарши бир­галикда курашиш бўйича Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 22-мажлисида сўзлаган нутқида алоҳида тўхталиб ўтди. Яъни: «Радикализмнинг ўсиб бориши хавфли тенденцияга айланмоқда. Ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафкура­ларга қарши барқарор им­мунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз».

ҲАМКОРЛИКДА КУРАШИШ БИЛАНГИНА НАТИЖАГА ЭРИШИЛАДИ

Кун сайин турли давлатларда ёшлар ўртасида иллат ва таҳ­дидларнинг янги турлари пайдо бўлаётгани ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги зарур. Масалан, Германияда ёшларнинг ёлғиз ҳаёт кечирishi йилдан йилга ортиб бормоқда. Мамлакатнинг ижтимоий-маънавий муҳитига таъсир этувчи омилларни ўрганивчи «Allensbach Demoskopiya» тадқиқот институтининг сўров­ларига кўра, барча хусусий уй хўжаликларининг 42 фоизи ёлғиз хонадонлардир. Бир томондан бу демографик ўзгаришларнинг натижаси бўлиб, ёлғиз яшаётган кексалар сонини кўпайтирса, иккинчи томондан, кўпроқ ёшлар­нинг ёлғиз ҳаёт тарзига кўникиб бориш хавфини оширмоқда. Бу эса оилаларнинг камайиши, халқнинг секин-асталик билан йўқолиб ке­тишига сабаб бўлиши мумкин.

Айни вақтда Хитойда ҳам туғилиш коэф­фициенти АҚШ ва Буюк Британияда бўлгани каби тахминан 1,7 фоизга тенг бўл­моқда. Хитойнинг энг ривожлан­ган худудларида эса бу кўрсаткич янада ёмонроқ. Бунинг асосий сабаблари сифатида ёшларнинг оила қуришга хоҳиши йўқолиб бораётгани, кеч турмуш қуриш, кам фарзанд кўриш, кўпроқ иш билан банд бўлиш, орзуларни амалга ошириш муҳимлиги каби факторлар кўрсатилмоқда.

Юқорида келтирилганидек, давлатимиз раҳбарини ташвиш­га солаётган таҳдидлардан бири ёшларимизнинг ёт маф­курачилар таъсирига тушиб қолиши экани ҳам бежиз эмас. Бузғунчилар ёшларнинг онгига қандай таъсир кўрсатиб, тўғри йўлдан оғдиришнинг янги ус­лубларидан фойдаланмоқдаки, бу, ўз навбатида, ўзига яраша қийинчиликларни ҳам келтириб чиқаради. Бунинг учун Пре­зидентимиз: «Фақат кучларни бирлаштириш орқали, бир пайт­нинг ўзида, ахборот маконидаги таҳдидларни камайтира борган тақдирдагина биз рақамлашти­риш афзалликларидан тўла фойдалана олишимиз мумкин», дея таъкидлади. Шу ўринда

энг аввало, мафкуравий таъсир ўтказиш жараёни тезкор ва катта шиддат билан кечаётганини ан­лашимиз зарур.

Абдулла Қаҳҳор ўз хотираларида ўзи ўша вақтда яшаб турган қишлоқ аҳолиси 1914 йилнинг сентябрида бошланган Биринчи жаҳон уруши тўғрисидаги хабарни фақат тўрт ойдан сўнг, 1914 йилнинг декабрида эшитганини ёзган эди. Бугун эса ундан фарқли равишда кишилар дунёнинг исталган нуқтасида содир бўлаётган ҳодисалардан тезкор хабардор бўлиш имкониятига эгадир.

Юксак ахборот технология­ларини жамият ҳаётининг турли соҳаларига жорий этиш – давр талаби. Аммо унинг ҳам ўзига хос жиҳатлари бор. Жумладан:

– унинг натижасида жисмоний меҳнат ҳажми кескин қисқаради. Бу эса ишсизликнинг ортишидир. Демак, амалиётга илм-фаннинг энг сўнгги натижаларини жорий этиш баробарида янги иш ўринларини яратиш устида жиддий бош қоти­риш ҳам муҳим ҳисобланади;

– юксак даражада техник им­кониятларга эга бўлиш меҳнат, ишлаб чиқариш жараёнини осон­лаштиради, инсон учун мураккаб ва қийин бўлган ишларни техника ўз зиммасига олади ва инсонлар

ақлий фаолияти учун кенг йўл очилади, осонлашади;

– дунё халқлари билан мулоқот алмашинуви осонлашади, тезлаша­ди. Жаҳондаги исталган мамлакат кутубхоналарида сақланаётган нодир ва муҳим китоблардан фойдаланиш имкониятлари яратилади;

– маданиятлараро алоқалар ривож­лантирилади, мустақамланади. Дунё яқинлашади. Маънан. Қалбан. Руҳан. Амалда.

Шу билан бирга, мафкуравий таъсир жараёни олдингидан ҳам кенг қамров касб этиб бормоқда. Бу мафкуравий таъсирга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, аҳолининг турли қатламлари тортилганида яққол кўринади. Бу жара­ён шунчалик кучлики, бугунги кунда жа­мият ҳаётининг бирор бир соҳасини маф­куравий таъсирдан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Республика миқёсида мафкуравий иммунитетни ошириш бўй­ича таъсирчан, бир қарашда ёшни ҳам катта авлодни ҳам қамраб оладиган усулларда ишни ташкил этиш зарур. Йўқса, ёшларни ёт ғоянинг таъсирдан олиб чиқишнинг оғир машаққатларини бошимиздан ўтказаверемиз.

Мамлакатимизда мафкуравий соғломлаштирувчи ташкилотларнинг роли кескин даражада оширилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Мақсад, мамлакатдаги ижтимоий-маъ­навий муҳитни янада соғломлаштириш ва барқарорлигини таъминлашдан иборат. Бунинг замирида ёшларнинг экстремистик ташкилотчилар ғоялари таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш ва уларга кескин қарши курашиш чора-тадбирлари кўрилади. Бу энг қи­йин вазифалардан бири, аслида.

Чунки катта иқтисодий ресурсларга эга бўлган турли диний экстремистик ҳаракатларнинг бутун бир минтақа­ларда ўз таъсир доираларини кучай­тириб бораётгани кўплаб давлатларни ташвишга солмоқда.

Ана шундай шароитда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун ҳам виртуал оламда фаол ҳаракатлар олиб боришимиз зарур. Шундан келиб чиқиб, кўпгина мамлакатлар ахборот соҳасида устуворликни таъминлашни стратегик мақсадларга эришиш, миллий хавф­сизлик ва барқарор тараққиётни таъ­минлашнинг асосий йўллари­дан бири сифатида эътироф этмоқдалар.

«Кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қилади», деган фикр бугунги кунда барча томондан тан олинган. Агар ёшларда ахборот истеъмоли ма­данияти шаклланган бўлса, миллий қадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларни ўз вақтида тўғри баҳо­лай олиш қобилияти юзага келади.

Ҳиндистоннинг таниқли сиёсий ар­боби Махатма Ганди: «Мен уйимнинг деразаси ва эшикларини маҳкам бер­китиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баро­бариде эшик ва деразаларимдан кира­ётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашни ҳам хоҳламайман», деган эди. Бу сўзларни бугунги инфор­мацион хуружлар фониде ва турли хил маълумотларнинг «Троя оти» усулида мамлакатимизга кириб келишини хи­собга олсак, ёшларнинг кўз-қулоғини, онгини ёт мафкуралардан қўриқлаш ҳар бир зиёли фуқаронинг муҳим вазифаси эканини англаймиз. Шуни унутмаслик керакки, аввало, ота-она ва жамият фарзанднинг тақдири, таъ­лим-тарбияси учун жавобгардир.

Мунира КАХАРОВА,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
директори ўринбосари

КАТТАҚҮРҒОН ВА НАВОИЙ ТАЖРИБАСИ



Марказий ҳарбий округ Каттақўрғон гарнизонидаги ҳарбий қисмда «Миллий армиямиз ёшлар нигоҳида» тармоқ-жадвалига мувофиқ, «Ҳарбий қисмда бир кун» шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ушбу тадбирга Каттақўрғон шаҳридаги 10- ва 12-умумтаълим мактаблари ўқувчилари, Амир Темур, Қўшчинор маҳаллалари ёшлари ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари таклиф этилди.

Даставвал меҳмонлар ҳарбий қисм ҳудудида жойлашган замонавий IT-технологиялари билан таъминланган ўқув марказида бўлиб, яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Марказ биноси 20 дан ортиқ хонани ўзида жамлаган. Унда ёшлар учун ҳарбий қисм тарихи музейи, математика, тарих, компьютер, йўл ҳаракати қоидалари, инглиз ва рус тилларига ихтисослаштирилган ўқув синфлари, кутубхона ҳамда тўғарақлар ташкил этилган.

Худди шу каби тадбир Навоий шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда ҳам бўлиб ўтди. Унда ҳудуддаги 15- ва 7-умумтаълим мактаблари ўқувчилари, Бунёдор маҳалласи ёшлари иштирок этди. Меҳмонлар учун яқинда реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилган ҳарбий қисм ҳудуди бўйлаб экскурсия уюштирилди. Ноодатий тарзда ташкил этилган

тадбир жами тўртта йўналишни ўзида жамлаб, ўзига хос Навоий тажрибаси вазифасини бажарди. Унда ёшлар ўзлари учун қизиқ бўлган объектни танлаб, йўналишлари бўйича ташкил этилган тадбирларда иштирок этди.

«Ҳарбий блок» деб номланган дастлабки йўналишда ёшлар ҳарбий қисм ҳудудида ташкил этилган қуроллар кўргазмасини томоша қилди. Бугунги кунда миллий армиямизда мавжуд бўлган ҳарбий техникалар намойишидан сўнг саф майдонида фахрий қоровул ҳамда аскарларнинг қўл жанги чиқишлари ўтказилди.

«Спорт ўйинлари» дея номланган иккинчи йўналишда ёшлар ва ҳарбий хизматчилар ўртасида миллий кураш ҳамда футбол, волейбол, стол тенниси сингари оммавий мусобақалар ташкил этилди.

Маънавий интеллектуал ҳамда маданий йўналишларда ўтказилган тадбир давомида маҳалла ёшлари ҳарбий қисм тарихи музейи, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби аجدодларимиз тарихига оид тематик синфхоналарни кўздан кечирди. Тадбирнинг якуний қисмида эса мактаб ўқувчилари, уюлмаган ёшлар ва фахрийлар ўртасида уч авлод учрашуви ҳамда психологик тренинг ўтказилди.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»

Qaror va ijro

БУТУН ДУНЁНИ ЯХЛИТ БИР МЕХАНИЗМГА МЕНГЗАШ МУМКИН. ҚУРОЛ-АСЛАҲА, ТЕХНИКА ҚУДРАТИ БИЛАН БИРОВ БОШҚАНИ ҚЎРҚИТАДИГАН ЗАМОН ЭМАС. БИЛИМ КУЧИ, МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТ ҒАЛАБАДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ШУ МАЪНОДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА ЖАНГОВАР РУҲИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ БУ БОРАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ЯХЛИТЛАШТИРИШДА АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ.

САМИМИЙ РУҲДАГИ СТРАТЕГИК МУЛОҚОТ



Muallif suratga olgan

га қарши курашишда ўз жонини ҳам аямайдиган, ватанпарвар, ҳалол ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш ҳамда уларнинг ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетини шакллантириш асосий мақсад этиб белгиланган.

Қуролли Кучлар академиясида ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш концепцияси»ни амалга татбиқ этиш бўйича Республика идоралараро комиссия таркибининг ташкилий масалалар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда иштирок этганлар қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қўшинларнинг жанговар шайлиги ҳамда тайёргарлигини яхшилаш, Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш, Мудофаа вазирлиги қўшинларида 2022–2026 йилларда ахлоқий-руҳий тайёргарлик объектларини такомиллаштириш ҳамда замонавий техник воситалар билан таъминлаш, психологик ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан концепцияни амалга ошириш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси мудофаасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган изчил ислоҳотлар сабабли миллий руҳни ўзида мужассам этган ва жанговар шай Қуролли Кучларимиз тобора янги қиёфа касб этиб бораётгани рост. Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик халқимизнинг энг катта бойлигидир, тинчликни таъминлаш эса қўшинларнинг юксак жанговар шайлиги ва тайёргарлигига боғлиқлиги эса барчага аён ҳақиқат.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда йиғилиш давомида республика идоралараро комиссияси раҳбарияти томонидан комиссия аъзоларига қарор ижросини амалга ошириш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»



Унда миллий армиямизнинг жанговар шайлиги ва жанговар қобилиятини мустаҳкамлаш, мамлакат

мудофааси ва хавфсизлигини, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш учун ҳар қандай душман

Йиғилишни мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев очиб берди.

Ijtimoiy himoya

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА УЛАР ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ, ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА НУКУС ГАРНИЗОНИДАГИ ҲАРБИЙ ШАҲАРЧАДА ЖОЙЛАШГАН 32 ТА ХИЗМАТ ХОНАДОНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАНИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

ЯНГИ ҲАЁТ БАҒИШЛАНДИ



Тадбирда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда қурувчилар иштирок этди. Сўзга чиққанлар томонидан Мудофаа вазирлиги раҳбариятининг амалий кўмаги ҳамда ҳарбий округ қўмондонлигининг ташаббуси билан бир неча йилдан буён таъмирталаб бўлиб ётган бу уйларга янги ҳаёт бағишланиб, ҳарбий хизматчиларнинг оила

аъзолари турмуш даражасини янада яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар муҳайё этилгани эътироф этилди.

Меҳмонлар капитал таъмирдан чиққан хонадонлардаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, хизмат уйлари соҳибларига ўз эзгу тилаklarини билдиришди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

O`quv-uslubiy yig`in

Кўникма ва тажриба оширилди

«Янгиариқ» умумқўшин полигонида Мудофаа вазирлиги бўлинмалари чўл шароитида яшовчанлигини ошириш марказининг ўқитувчи ва йўриқчилари билан ўқув-услубий йиғин бўлиб ўтди.

Юртимизнинг асосий қисми чўл ҳудудларидан ташкил топганини ҳисобга олганда, бу марказнинг барпо этилиши Қуролли Кучлар тизимида ўзига хос янгилик бўлиб, ҳарбийларнинг жанговар тайёргарлигини янада ошириш ва янги босқичга кўтаришга улкан ҳисса қўшмоқда.

Таҳсил муддати 14 кунни ўз ичига олган ушбу таълим даргоҳида бир вақтнинг ўзиде 50 нафарга яқин контракт бўйича ҳарбий хизматчи тоифасидаги оддий аскар ва сержант таҳсил олиб, ўқув жараёнини 10 фоиз назарий ҳамда 90 фоиз амалий машғулотлар ташкил этади.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан ўтказилган ўқув-услубий йиғин давомида марказда ўқув жараёнини ташкил этиш, машғулотларни ўтказиш, ўқув жойларини жиҳозлаш бўйича ўқитувчи ва йўриқчиларнинг касбий билимлари синовдан ўтказилди. Машғулотларга янгича ёндашув, педагогиканинг интерфаол усуллари билан кенг фойдаланиш, дарс ўтказиш



услубиятини янада такомиллаштириш бўйича зарур маълумотлар етказилди. Ҳар бир ўқитувчи ва йўриқчи машғулотни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича билим ва кўникмаларини амалда кўрсатиб, профессионал тайёргарлигини намоён этди.

Амалий машғулотларни ўтказишга мўлжалланган яшовчанлик шаҳарчасида саҳрода олов

топиш, сув топиш ва тозалаш ҳамда захирасини яратиш, ов қилиш ва озиқ-овқат захирасини ғамлаш, овқат тайёрлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳудудда бўлинмаларнинг жойлашуви учун пана жойларни жиҳозлаш ҳамда ниқоблаш, қузатув ишларини олиб бориш каби ўқув жойларининг машғулотларга тайёргарлиги кўриб чиқилди.

Malaka

«Тактик медиклар» ўқув курслари бошланди



Нукус ҳарбий госпиталида тиббий мутахассисликка эга бўлмаган Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг ҳарбий хизматчиларига «Тактик медиклар» ўқув дастури бўйича таълим бериш бошланди.

Жангда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлиги албатта жароҳатланганга ёрдам кўрсатиш вақти ва сифатига бевосита боғлиқ бўлади. Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳар бир ҳарбий хизматчининг ўзига ва сафдошларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш амаллари ва усуллари муккамал билишига катта эътибор қаратиб келинмоқда.

«Тактик тиббиёт» тушунчаси бевосита жанг майдонида кўр-

сатиладиган, ҳаётни сақлаб қолиш ва ҳаёт учун хавфли ҳолатларни бартараф этиш ҳамда ногиронликка олиб келувчи оқибатларнинг олдини олишга йўналтирилган тадбирларни жамлайди. Тиббий мутахассисликка эга бўлмаган ҳарбий хизматчиларнинг тиббий тайёргарликдан билим ва кўникмаларини ошириш, жанг майдонида ўзига ёки яраланган сафдошига тиббиёт нуқтаи назаридан тўғри бўлган ёрдам кўрсатишни ўргатиш мақсадида Нукус ҳарбий

госпиталида «Тактик медиклар» ўқув дастури бўйича 21 кунлик ўқув курслари жорий этилди.

Дарвоқе, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тадбирларини бажариш учун ҳарбий хизматчилар одам организмнинг тузилиши ва ҳаётини муҳим аъзоларнинг жойлашишини билиши катта аҳамиятга эга. Ярадорга қандай усулда тиббий ёрдам кўрсатиш, қайси ички аъзоси зарарланганини тахмин қилиш, жабрланганни жанг майдонидан қандай усулда олиб чиқиш учун бу билимлар албатта доим асқатади. «Тактик тиббиёт» ҳозирги даврда кенг тарқалган. Хорижий тажриба мониторинги ҳам шуни кўрсатадики, жанг майдонида ҳалок бўладиган 90 фоиз ярадорларнинг ҳаётини сақлаб қолиш йўллари кидириш, госпиталгача тиббий ёрдам кўрса-

тишнинг ягона тизими сифатида ўзини оқлаб келмоқда.

Нукус ҳарбий госпиталида таҳсил олаётган ҳарбий хизматчилар билан дастлаб одам анатомияси, физиологияси ўрганилиб, шундан сўнг жанг майдонида эҳтимолий яраланиш ва зарарланиш, жабрланганга биринчи тиббий ёрдам беришнинг турли усул ва услублари муккамал ўргатилади. Таълим дастури якунида ҳар бир тингловчи ўзлаштирган мавзулар бўйича 6 соатлик назарий ва амалий имтиҳонларни топшириши белги-ланган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ўқув курсини тамомлаган ҳарбий хизматчи тиббиёт соҳасидан дастлабки тушунчага эга бўлиб, ҳар қандай вазият ва шароитда ўзига ва ўзгаларга биринчи тиббий ёрдам бера олади.

Подполковник Тимур НАРЗИЕВ, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати бошлиғи

Suhbat

«Алпомиш» дostonида Ҳакимбекнинг етти ёшида Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйни даст кўтариб, ўқ жойлаб, Асқар тоғининг чўққисини кўчириб юборгани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи Руслан Нуритдинов номини эшитган ҳар бир ўзбекнинг кўз ўнгида зилдай штангани боши узра даст кўтариб, баралла ҳайқирган йигит келиши табиий.

Хуллас, кетма-кет ютуқларни қўлга киритиб, халқаро миқёсда шўҳрат қозонаётган Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази ҳарбий хизматчиси катта лейтенант Руслан Нуритдиновнинг айрим мулоҳазаларини сиз билан бўлишишни истадик.



«МАҒЛУБИЯТЛАР МЕНИ ЧЕМПИОН ҚИЛДИ...»

БОЛАЛИК ХОТИРАЛАРИ

– Икки акам айнан шу спорт турига қатнашиб юрарди. Ўша пайтларда мен 5–6 ёшда эдим. Боғчадан қайтиб келганимда, уйда ҳеч ким бўлмасди. Ота-онам ишда. Акаларим эса машғулотлар залида. Иложсиз қолган акаларим мени ҳам залга олиб кетишарди. Оғир атлетиканинг нима эканини ўшанда билганман. Кўзим спорт залларида пишди. Ҳовлимиздаги омборхонада силлиқ таёқлар бўларди. Катта акам ўша таёқлар ёрдамида мураббийдан ўрганганларини уйда менга ўргатарди. Вақт ўтиб, 8 ёшимда биринчи мураббийим Марат Гафаровичнинг қўлига борганман. Ўшанда у менадан нимага қодирлигини кўрсатишни сўраган. Унинг кўрсатмасини бажариб берганимда, Марат аканинг жаҳли чиқиб, «Ургатишни эртaroқ бошлагансан», дея акамга қаттиқ танбех берганди. Аслида менадаги шакланган техникани устозим ҳайрат билан қабул қилган эди. Тенгқурларимдан илгарилаб кетишимда акаларимнинг хиссаси катта.

РАҚИБЛАР ҲАҚИДА

– Эронлик спортчи деган ном унча-мунча атлетни сергак тортириши бор гап. Чунки Эроннинг бу спорт тури бўйича ўз мактаби бор. Шунинг учун улардан янги номдаги спортчи чиқса, у ҳақда кўпроқ билишга ҳаракат қиламиз. Сабаби ўрганилмаган, синалмаган ва биз учун сирли бўлган рақиб барибир ноқулайлик туғдиради. Аммо йиллар давомидан шакланган хислатим борки, ҳеч қачон ўзимни рақиб билан солиштирмайман. Уни қисман ўрганишим, кузатишим мумкин, лекин мусобақа пайтида бутун фикримни фақатгина оғирликни кўтариш учун жамлайман. Машғулотлар давомида кўрсатган натижаларимни ҳисобга олсам, мусобақа жараёнида бемалол юқори кўрсаткични забт этишимга ишонаман. Бироқ кучни тўғри тақсимлай олмасам, кутилган маррага етолмайман. Асосий мақсад – машғулотларда йиғилган оғирликни амалда кўрсата олишим. Лекин бу осон эмас.

ДОИМИЙ ПОЗИТИВ КАЙФИЯТ

– Аслида хурсандчиликни юзага чиқарган инсон ғамгин бўлади, дейишади. Уйда бўлган пайтларим ёлғизликни ёқтираман. Доимо одамлар олдида яхши кайфиятда юришга ҳаракат қиламан. Уларга самимийлик, хурсандчилик улашгим келади. Инсонлар юзида табассум бўлишига сабабчи бўлишим ўзимга ҳам ёқади.

ТАВАККАЛЧИЛИК ВА РЕКОРД

– Спорт – бу таваккалчилик! Бирор бир спортчи йўқки, мусобақа жараёнида таваккал қилмаса. Мен ҳам худди шу инсонлар қаториданман. Қаерда, қай ҳолатда таваккал қилиш-

ни билиш ҳам жуда муҳим. Тасаввур қилинг, спорт туримдаги таваккал ё менга шон-шараф олиб келади, ёки мени бир умрга мажруҳ қилиб, тўшакка михлаб қўйиши мумкин. Фаолиятим давомида ўрнатган барча рекордларим машғулотлар давомида етиб боролмаган оғирликларимдир. Мусобақа атмосфераси, рақиблар устунлиги, мухлисларнинг олқиши мени шундай катта таваккалларни қилишимга ундаган. Мен шу ишни қилишим ёки қилмасдан йиллар давомида афсусланиб ўтишим керак. Ҳатто ҳалигача хўрсиниб эслайдиган ҳолатларим бор. Шунинг учун имкон бўлди дегунча, таваккал қиламан. Минг шукурки, таваккал ортидан анча-мунча ютуқларга эриша олдим, деб ўйлайман.

КАТТА СПОРТГА ҚАЙТИШ

– Ўтган йили юртимизда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иштирок этиб, ғолиб бўлдим ва жаҳон рекордини ўрнатдим. Бу менинг катта спортга қайтишим эди. 2019 йил ноябрь ойларида барчасига қўл силтаган эдим. Рухий ҳолатим ўта ғамгин, тошни кўтаришга ҳам ҳафсала бўлмаётганди. Тўғрисиам-да, эришилмаган ютуқ, забт этилмаган чўққи қолмаганди. Осиё ва жаҳон чемпиони бўлган бўлсам, Олимпиада чемпиони бўлдим, бир нечта рекордлар ўрнатилди. Балки, етар, деган фикрга келдим. Сенга яна нима керак, деган деб ўзимга таскин берардим. Ўша кезларда оила курдим. Орадан озгина вақт ўтгач, тушундимки, спорт менинг тақдирим экан. Аёлимни ёнимга чақириб, спортга қайтишим ҳақидаги фикрини сўрадим. «Ҳали қайтмаслик ниятингиз ҳам борми?» деса бўладими... Ўша мотивациянинг ўзи менга етарли бўлди. Ҳаммаси ўтиб кетди. Ва мен катта спортга қайтдим.

ИМИДЖ ЁКИ РЕФЛЕКС?

– Жуда кўпчилик мусобақанинг энг оғир штангасини кўтариб турган ҳолатимда тилимни чиқариб (кулади) қўйишимнинг сабабини сўрашади. Аслида бу имидж эмас, рефлекс. Бу ҳолат анчадан буён бор. Ўзим аниқ кўришни бошлаганим 2011 йилдан кейин бўлди. Олдинги пайтда бизни ОАВ вакиллари тасвирга туширсагина, ўзимизнинг ҳолатимизни кўришимиз мумкин бўлган. Кейинчалик телефонлар кучайиб кетди, жамоада видеокамералар пайдо бўла бошлаши натижасида ўзимизнинг камчиликларимизни кўра бошладик. Париж шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида дўстим Мухаммаддон айтдики, «Дўстим, тилингни чиқаришни бошлабсан, болаликдан бирга ўсган бўлсам-да, бу «қилиғингни» энди кўриб турибман», деди. Ўйлайманки, бу «қилиғим» ўша пайтларда бошланган. Ундан олдин бўлганида дўстим илғаган бўларди. Аммо ўзимга бу

ҳолат ҳеч қачон сезилмайди. Тилим чиқдими ёки чиқмадими, буни билмайман, эътибор бермайман. Сабаби мен атайлаб қилмайман бу ишни. Бир психологнинг тушунтиришича, инсон танасига оғир юклама тушганда, тилининг орқа қисми нафас йўллари тўсиб қўяркан. Шундай пайтларда инсон ўзи билмаган ҳолатда энгил нафас олиш учун тилини олдинга чиқараркан. Менга бу жавоб маъқул келди. Шундан айтаманки, менадаги бу ҳолат ғолиб бўлгандан кейин рақибларга тил чиқариб кетиш эмас, аксинча, нафас олиш усули холос. Оддий айтганда – рефлекс.

Катта спортга жуда эрта қадам қўйганман. 2011 йил Парижда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида эндигина 19 ёшни қарши олган эдим. Катталар орасида бўлиб ўтган нуфузли мусобақа, рақибларим орасида Олимпиада чемпиони, жаҳон чемпиони бор эди. Мена эса ички имкониятим етарли бўлса-да, ҳаяжонни босиш учун тажриба етмаган. Ўша жаҳон чемпионатида силтаб кўтариш йўналишида иккинчи ўринни олганман. Аслида, биринчи ўринга ҳам етарли имконият бўлган эди. Машғулотлар давомида забт этган оғирликни ҳам мусобақада ўзимга бўйсундира олганман. Менадаги ҳаяжон адреналин кучайишига олиб келган ва нафас етишмаслиги оқибатида тилим чиқишни бошлаган (кулиб).

МАШҲУРЛИК

– Менга жуда кўпчилик «юлдузлик касали»га йўлиққанлигимни айтишган. Аммо атрофдагиларнинг гапи менга таъсир қилмаган. Сабаби улар олдинги ҳолатимни билишмаганликларини учун ҳозирги ҳолатим билан қиёслаб олишмайди. Аммо яқинларим ҳам шу фикрдалигини билганимдан кейин ўзимни босиб олишим кераклигини тушундим. Яна бир нарсани айтиб ўтишим керакки, ҳеч ким бу касалликка учраган ёки учрамаганлигини билмайди. Ўзингиз учун ўша-ўша инсонсиз. Лекин спортчилар учун энг нуфузли мусобақа бўлган Олимпиада ғолиби бўлиш ҳам ҳаммага насиб этавермайди-да. Ўша кезлари ўзингизни йўқотиб қўйишингиз табиий ҳолат, деб ўйлайман. Бу эйфория дейилади. Одам ўзини жиловлаши қийин. Бундай ҳолатни ҳис қилиш, сезиш ва билиш учун бошингиздан шундай қувончни ўтказишингиз керак. Аммо вақт ўтиши билан ўзимни босиб олдим ва «ерга тушдим». Тушуниб етдимки, ҳеч қачон бундай танбехларни эшитмасликка ҳаракат қилишим керак.

ОМАДСИЗЛИК

– Биринчи маротаба жаҳон чемпиони бўлганимдан кейин Олимпиада ўйинларида ютқаздим. 2018 йилда спорт фаолиятимдаги натижам ноль билан яқунланди. Менинг ҳаётим ҳам силлиқ кетмаган. Тўғри, ҳамма нарса-

ни ютдим. Аммо барчасини ютқазиб ҳам кўрганман. Шундан бўлса керак, ҳаёт мени анча босиқликка ўргатди. Ўзим учун мана шундай тушиб-чиқишлар ёқади. Вақт, тажриба ва синовлар мени жиловлай олди.

АРМОН

– Спорт – жисмоний имкониятинг ҳисобга олинадиган соҳа. Жисмоний ҳолатим аъло даражада бўла туриб, Токиода бўлиб ўтган Олимпиадага қатнаша олмадим. Тайёргарлигим зўр, руҳиятим тетик ва имкониятим ҳам етарли эди. Аммо айрим сабабларга кўра, шу мақсадга ета олмадим. Спортчилик фаолиятимни яқунлашим учун яна бир марта шундай имкон бўлиши мумкин. Нима ҳам дердим, вақтни ортга қайтариб бўлмайди. Шундай экан, 2024 йили Парижда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун ҳаракат қиламан.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

– Аввало, оғир атлетика орқали ўзлимни топдим, дўстлар орттирдим. Жамиятда ўз ўрнинга эга бўлдим, дунёга танилдим. Ўз юртимда бахт топдим, бир нечта орденлар соҳиби бўлдим. Бунинг замирида машаққатли меҳнат, ўз устингда тиним билмай ишлаш, қатъият ва сабр бор. Ортимиздан етишиб келаётган ёшларга қарата айтаманки, аввало, ўзлигини топсин. Мақсадни аниқ қўйиб, унга томон интилишда ҳеч қачон ортга чекинмаслик керак. Шундагина кўзланган натижага албатта эришилади.

Шерзод ШАРИПОВ
сўхбатлашди.

Руслан НУРИТДИНОВ

- Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи
- 2013 йил «Ўзбекистон ифтихори» ордени соҳиби
- 2016 йил «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби
- Оғир атлетика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси
- 2012 йил Олимпия ўйинлари иштирокчиси (Лондон)
- 2012 йил Осиё чемпиони
- 2013 йил Осиё чемпиони
- 2013 йил жаҳон чемпиони
- 2013 йил жаҳон универсиадаси ғолиби
- 2014 йил жаҳон чемпионати совриндори
- 2015 йил Осиё чемпиони
- 2015 йил жаҳон чемпиони
- 2016 йил XXXI Олимпия ўйинлари ғолиби (Рио-де-Жанейро)
- 2018 йил XVIII Осиё ўйинлари ғолиби (Жакарта);
- 2021 йил Осиё чемпионати ғолиби (Тошкент);
- 2021 йил жаҳон чемпионати ғолиби (Ўзбекистон, жаҳоннинг янги рекордини ўрнатган);
- 2022 йил Ўзбекистон чемпионати ғолиби (Хива)
- 2022 йил V Ислам бирдамлик ўйинлари 3 та олтин медали соҳиби.



Жасоратлар сабаби
Ватандир. Ватан озодлиги
йўлида жонини фидо
қилган довюрак курашчи,
миллий қаҳрамонларимиз
қулликка тушишга тинч
қараб турмаганлар. Жонажон
Ватанимизнинг кўхна
минг йилликлар тарихида
юртимизни босқинчилардан
ҳимоя қилган мард
фарзандларининг буюк
жасоратлари халқимиз
тарихига олтин ҳарфлар билан
муҳрланди.

Туроннинг буюк саркардалари – Широқ, Тўмарис, Спитамен, Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Торобий, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мадаминбек каби миллий қаҳрамонларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти халқимизга асрлар оша намуна ва ўрнатки бўлиб келмоқда.

Ўзининг буюклиги билан нафақат Ватанимиз, балки жаҳон тарихида ҳам ўчмас из қолдирган Жалолоддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур каби буюк давлат арбоблари ҳақида ноёб маълумотлар дунё энциклопедияларидан ҳам ўрин олган ҳамда асрлар давомида жаҳонда кўплаб илмий тадқиқотлар ва бадиий асарлар яратилгани чексиз фахр-ифтихор бағишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илғор ҳарбий қисмларга буюк саркардаларимизнинг номини бериш, моҳир лашкарбоши болларимиз ҳақида илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар, фильмлар яратишга кўрсатма бериши миллий ҳарбий меросимизни илмий ўрганишда муҳим воқеа бўлди. Туроннинг буюк саркардаларининг ҳарбий маҳоратини тарихий манбалар асосида илмий тадқиқ ва таҳлил этиш, уларни миллий ҳарбий меросимизда тутган ўрнига баҳо бериш бугунги ҳарбий тарих фанининг муҳим ва долзарб муаммоларидандир.

Буюк тарихнавис Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Дунёда

ўтмиш воқеа-ҳодисаларини ёзиш орқали уларни абадийлаштиришдан, аждодлар тажрибаларидан хулосалар чиқаришдан, ибратомуз меросидан авлодларни манфаатдор қилишдан кўра муҳимроқ ҳамда улугворроқ иш бормикан!» деган фикри айнан ватанпарварликка хизмат қилади.

Нодир тарихий манбаларда энг қадимги даврлардан бери буюк ҳарбий саркардаларнинг ўз давридаги ватанпарварлик фаолияти билан боғлиқ бўлган жасорат, мардлик ҳақидаги фикрлари, ҳикматли сўзлари борки, уларни ўрганиш, тадқиқ этиш ҳамда ёшлар тарбиясига шу ғояларни синдириш жуда муҳимдир.

Аҳмонийлар босқинига қарши мардона курашган, юрт онаси сифатида қадрланадиган Тўмариснинг жасур саркардалиқ жасорати алоҳида таҳсинга сазовордир. Тўмариснинг фикрларида юрт муқаддаслиги ва уни ҳимоя қилиш ҳар бир эрқагу аёлнинг бурчидир, деб ҳисоблайди. Жумладан,
– Юрт берилмас, ёв янчилур!
– Онанинг ҳукми – Тангрининг ҳукми!

– Бошимиздан зар сочсалар ҳам биз эркинликни қулликка алмашмаймиз!

– Арслон Тўмарис сўзим бу – Ватан онаси сифатида Кир, мен сени яккама-якка жангга чорлайман! Шу жанг юрт тақдирини белгиласин! Чунки жанг бўлса, ҳар икки томон оналари фарзандларидан айрилади, қанча келинлар бева қолади. Халқимни ҳимоя қилиш менинг бурчимдир!

– Шафқатсизга шафқатсизлик билан жавоб қайтарамиз!



БУЮК ЮРТ ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ

– Эл онаси сифатида сўзим шуки, орамизда Эрон шоҳи олдида тиз чўкадиган номард йўк!

Ҳарбий саркарда бўлмаса-да, аммо оддий чўпон Широқнинг жасорати эътиборга лойиқдир. Широқ Турон халқларининг Аҳмонийлар подшоси Доро I босқинига қарши ёлғиз ўзи курашган халқ қаҳрамонидир. Юнон тарихчиси Полиеннинг «Ҳарбий ҳийла-лар» номли асарида Широқ жасорати тилга олинган.

Широқнинг фикрларида юрт озодлиги йўлида қалқон бўлиш энг катта бахт эканлиги тараннум этилган. Унга кўра:

– жангга мардларча ўлмоқ осон гап, лекин душманни янчиб ташлаб, ундан қасос олмоқ қийин;

– биз мардлик кўрсатиб, номимизни қолдириш тўғрисида эмас, балки эл-юртимизнинг эркини қандай сақлаб қолиш тўғрисида ўйлашимиз керак;

– мен оддий чўпон – ёлғиз ўзим Доро сенинг қўшинингни енгдим. Сизларни алдаб, чўлнинг қоқ ўртасига олиб келдим. Хоҳлаган томонга кетинг, аммо билинги, тўрт томонингиз ҳам етти кунлик йўлдир;

– ўз элининг душманларига хоинлик учун ёрдам чўзадиган қўлни кесиб ташлаган маъқул.

– юрт учун қалқон бўлиш ҳақиқий юрт фарзандига тегишлидир.

Ўрта асрларда ҳам Ватанимизни ёвлардан ҳимоя қилишда довюрак юрт ўғлонлари етишиб чиқди. Булар Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро каби жасур ўғлонлар дунёни эгаллаган Чингизхонга қарши курашиб, она юрт учун жонини қурбон қилдилар.

Жалолоддин Мангуберди саркардалиқ қобилиятини жуда эрта намоён қилган. Насавийнинг ёзишича, Кушлухонни мағлуб этган Жўчихон бошлиқ мўғул қўшини билан султон Алоуддин Муҳаммад лашкарлари ўртасида 1216 йилда бўлиб ўтган илк жангга Хоразм қўшини омон қолди ва душмандан «қасос ўчи олинди». Жувайний ва Рашидиддиннинг ёзишича, бу жангга ўнг қанотга 17 ёшли Жалолоддин кўмондонлик қилган. Демак, Жалолоддин 17-18 ёшидаёқ ўзини истеъдодли ва жасоратли саркарда сифатида намоён этган. Жалолоддиннинг сиёсат майдондаги фаолияти эса унинг 20–33 ёшларига тўғри келади.

Жалолоддин Мангубердининг ҳарбий саркардалиқ даҳоси қуйидаги жиҳатларда намоён бўлган:

– мард, жасур жангчи, қобилиятли лашкарбоши бўлган;

– барча жангларда карнай-сурнай садолари остида давлат байроғини ҳилпиратиб жангга кирган;

– шердек наъра тортиб, ўлжага ташланган арслондек шиддат билан жангга кирган;

– мўғуллар Жалолоддинга «арра», «болта» деб ном берган эдиларки, у икки қўлида болтадан эпчиллик билан фойдаланиб, душманни осон кириб ташлар эди;

– арқонни маҳорат билан ишлатиб, душманни қўлга осон илтирар, бу каби машқларни барча аскарлари ҳам яхши эгаллаган эди;

– душманнинг номдор, кучли полвонларини яккама-якка жангга чорлар, бунда осон ва тез ғалабага эришарди. Тарихий манбаларга кўра, гуржилар билан бўлган бир жанг олди-дан икки қўшин кўз ўнгида Жалолоддин жуссасининг бирмунча кичиклигига қарамай, яккама-якка олишувда девқомат бир гуржи паҳлавонини, сўнг унинг уч ўғлини, кейин яна бир душман аскарини ўлдирди;

– таҳликали вазиятларда қўққисдан, шиддат билан душман устига шижоат билан бостириб борган;

– душманга қутилмаган пайтда пайдо бўлар, уни таъқиб этар, яшин тезлигида зарба берган;

– душман ўз иттифоқчилари билан қўшилиб улгурмасдан олдин, уларни алоҳида тор-мор келтирган;

– қатор тенгсиз жангларда ҳарбий саркардалиқ маҳоратини намоён этган, унинг учун 700 нафардан иборат қўшинга қарши 300 нафар жангчи билан ғалаба қозониш осон бўлган;

– душманларга нисбатан ўта шафқатсизликни намоён этган;

– ўз жангчиларини моддий ва маънавий руҳлантира олган;

– оғир, энг мураккаб шароитларда ҳам қатъий тура олувчи, энг қийин синовлардан сира қўрмайдиган бетакрор фазилат эгаси эди.

Унинг юрт учун қайғурган ватанпарварлик билан сўғорилган ғоялари тарихий манбаларда батафсил ёритилган, қуйидагилари алоҳида қадридир:

– ота тахтга давоим йўк, аммо бутун қўшинга мени бош қилинг, ёвни юртга киритмай, кучларни қўшай Чингизхонни ўзим кутиб олиб мажақлай! Ота, Сиз қўшинга буйруқ беринг-да, ўзингиз бир четда бизнинг ғалаба қозонишимизни кутинг;

– агар шу жангга юрт озодлиги йўлида арзимас матоҳ жонимизни аямасдан шахид кетсак, мен дунёда энг бахтли Султон ва агар акси бўлса, энг бахтиқаро султон бўламан;

– душман жанг қилишни истамай, ҳужумни орқага сурдим, уларга ўзимиз ҳамма томондан ҳужум қилишга қарор қилдик. Агар ҳужум қиладиган бўлсак, улардан аввал бошлашимиз, уларнинг пастга тушишига йул қўймай, ўқлар ёмғирини ёғдиришимиз керак;

– эй яратган Аллоҳ! Нега мени оддий чўпон ёки деҳқон қилиб яратмасдан султон қилиб яратдинг? Не гуноҳим учун менга тинчлик бермайсан? Не қилмишларим учун мени бунча қувғинликка дучор қилгансан? На турмушимда, на юришимда ҳаловат бор!

Темур Малик – хоразмшоҳ Муҳаммад ҳукмронлиги даврида Хўжанд ҳокими, Жалолоддин Мангубердининг яқин сафдоши, мўғуллар истилосига қарши кураш олиб борган саркарда,



Ijodiy sayohat


Адабиёт атомдан кучли,
лекин унинг кучини ўтин
ёришга сарфлаш керак эмас, деган эди
Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор.
Дарҳақиқат, сўзга қадимдан энг қудратли куч деб
қаралади. Шу сабабдан одамлар ҳаминша нотикларга эҳтиёж
сезган, уларга эргашган, улардан ўрганган.



АДИБЛАР ХИЁБОНИ: ҲАРБИЙЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАР УЧРАШУВИ

Ёшларни ана шундай фикран
бой, маънан етук инсон бўлишлари,
аждоғлар ёди ҳақида бохабар ҳол-
да уларда ватанпарварлик руҳини
юксалтириш мақсадида Адиблар
хиёбонида Маънавий юксалиш ва
ватанпарварлик кунни доирасида
ёзувчи Абдулла Қаҳҳор таваллудининг
115 йиллиги ва Ойбек ҳаёти
ва ижодига бағишланган маъна-
вий-маърифий тadbир ўтказилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
билан ҳамкорликда ташкил этилган
мазкур ижодий учрашувда Қуролли
Кучлар академияси курсантлари
ҳамда Тошкент шаҳри Чилонзор
туманидаги 114-умумтаълим мак-
таби ўқувчилари иштирок этди.
Давра суҳбатида Ўзбекистон Ёзув-
чилар уюшмаси ҳарбий-ватанпар-
варлик бўлими бошлиғи Маъмура
Зоҳидова курсантлар ва мактаб
ўқувчиларига икки ўткир ижодкор
ҳақида, уларнинг бугунги кунгача
ўрганилаётган бой адабий мероси,



ўрناق бўлувчи ҳаёт ва ижод йўли
тўғрисида сўзлаб берди.

Ижодкорнинг иккинчи умрини
унинг асарлари яшаб беради, де-
ган нақл бор. Шу маънода, «Қут-
луғ қон» ва «Навоий» романлари,
кўплаб нафис шеърлар муаллифи,
А. Пушкиннинг «Евгений Онегин»
шеърий романининг моҳир таржи-
мони сифатида Ойбек, «Бемор»,
«Майиз емаган хотин», «Синча-
лак», «Дахшат», «Анор» каби ўткир
ҳикоялари билан Абдулла Қаҳҳор
бугун барҳаёт яшаб келмоқда, де-
сак, муболаға бўлмайди. Tadbir
мобайнида ижодкор ёшлар ўзла-
рининг ижод намуналаридан ўқиб,
ўзаро фикр-мулоҳаза алмашдилар.

– Адиблар хиёбонида мумтоз
шоирлардан тортиб, янги ўзбек
адабиёти намояндаларигача бўл-
ган шоир-ёзувчилар ҳайкаллари
қад ростлаган, – дейди Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси ҳарбий-ва-
танпарварлик бўлими бошлиғи

Маъмура
Зоҳидова. –
Ушбу даргоҳда
Ўзбекистон Қурол-
ли Кучлари тизимидаги
барча муассасаларда хизмат
қилаётган ҳарбийлар ҳамда
шу тизимдаги таълим муас-
сасаларида таҳсил олаётган
курсантлар билан биргаликда
учрашувлар, ижодий кечалар
доимий ўтказиб келинади. Сух-
бат давомида Ойбек, Абдулла
Қаҳҳор ижоди ҳақида курсант-
лар ҳам фикр-мулоҳазаларини
билдиришди ва уларнинг ижод-
ларидан парчалар айтиб бе-
ришди. Посбонларимиз юрагида
ватанпарварлик руҳи бор экан,
юртимиз ишончли қўлларда, деб
айта оламиз.

Юлдуз ЎРМОҶОВА,
журналист

El aziz, inson aziz



“Yangi O‘zbekistonda el
aziz, inson aziz” shiori ostida
“Madaniyat karvoni” va “Ma’naviyat
festival”lari barcha joylarda bo‘lgani kabi Surxon
vohasining Muzrabot tumanida ham o‘zgacha shukuh va
ko‘tarinki kayfiyatda qarshi olindi.

“MADANIYAT KARVONI” VA “MA’NAVIYAT FESTIVALI” SURXON VOHASIDA

Shu munosabat bilan Muzrabot
tumani kasb-hunar maktabida bir
guruh olim va shoirlar, san’atkorlar,
teatr va kino arboblari bilan ijodiy
uchrashuv tashkil etildi.

Tadbirda Respublika Ma’naviyat
va ma’rifat markazi huzuridagi
institut bo‘lim boshlig‘i Bo‘riboy
Qodirov, O‘zbekiston Respublikasida
xizmat ko‘rsatgan artistlar – Nodira
Mahmudova, Alisher Otaboyev,
O‘zbekiston Respublikasi davlat

filarmoniyasi xonandasi Olimjon Mirzayev,
estrada xonandasi Azizbek Mirzarahimov,
Muqimiy nomidagi Musiqali drama teatri
aktyori Tohir Rahimov, O‘zbekiston
Respublikasi Yozuvchilar uyushmasi
a‘zosi, shoir Abdunabi Boyqo‘ziyev hamda
“Nihol” davlat mukofoti sovrindori Iroda
Iskandarova tomonidan ijro etilgan bir-
biridan ajoyib kuy-qo‘shiqlar yig‘ilganlarga
xush kayfiyat ulashdi.

“Ma’naviyat festivali” doirasida
o‘tkazilayotgan ushbu tadbirda ko‘p millatli



O‘zbekiston bitta xalq, bir davlat, bir qismat
egasi bo‘lish saodatini bergan mustaqillikni
bundan keyin ham ko‘z qorachig‘idek asrashi
lozimligi ta’kidlandi. Erishilgan yutuqlar,
olib borilayotgan islohotlarning mohiyati
targ‘ibotchilar tomonidan tushuntirildi.

Ma’naviyat ma’rifiy tadbirda Muzrabot
tumani hokimligi, keng jamoatchilik vakillari,
harbiy xizmatchilar va ularning oila a‘zolari,
kasb-hunar maktabida faoliyat yuritayotgan
xodimlar hamda o‘quvchi-yoshlar ham
munosib ishtirok etdi.

O‘g‘ilshod XOLMURODOVA,
Muzrabot tumani kasb-hunar
maktabi psixologi

Okruglardan xabarlar

САМО ЛОЧИНЛАРИ ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЕРДИ

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳарбий хизмат ҳамда ҳарбийлик касбига қизиқишларини ошириш мақсадида жойларда Ватан ҳимоячилари томонидан турли тадбирлар ташкил этилмоқда.



Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги тасарруфидаги Хонобод кўрғонида жойлашган ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари томонидан Қарши шаҳрида жойлашган 33-сонли ақли заиф болалар учун мактаб ўқувчилари билан «Ватан тинчлигига барчамиз масъулмиз» мавзусида кўргазмани машғулот ўтказилди. Айти кунларда ушбу мактабда 165 нафар турли ёшдаги болажонлар таълим-тарбия олиб келмоқда.

Ҳарбий қисм офицерлари, ҳарбий учувчилар ва ҳарбий қисм қидирув-қутқарув ва парашют-десант гуруҳи ҳарбий хизматчиларидан иборат меҳмонлар мактаб ўқувчиларига учувчилик касби ҳақида маълумотлар бериб, турли парашютларни кўргазмани намойиш этишди. Жисмонан заиф бўлса-да, қалби меҳрга ташна болажонлар кўзидаги қувончни кузатиб, тадбир мақсадини тушуниш мумкин.

Ватан ҳимоячиларидан иборат тарғибот гуруҳининг навбатдаги манзили Қарши шаҳрида жойлашган 17-умумтаълим мактаби бўлди. Олдиларига аниқ мақсад қўйиб, шижоат ва қунт билан илм олаётган юқори синф ўқувчилари учун ушбу дарс машғулоти бир умр ёдда қоладиган бўлди, десак, адашмаймиз.

Олий ҳарбий билим юртига кириш синовлари, ҳарбийлик касбининг шараф ва масъулияти борасидаги суҳбатлардан ўқувчи-ёшлар кўплаб маълумотларга эга бўлдилар.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ матбуот хизмати

«МУШОИРА ЭТАДИ ДАВОМ»

Жиззах гарнизонидаги ҳарбий қисмда Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби ўқувчилари ҳамда СҲР батальони хизматчилари ўртасида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида «Мушоира этади давом» мавзусида шеърят кечаси бўлиб ўтди.



Унда ижод мактаби ўқувчилари ва СҲР батальони хизматчилари ҳам фаол иштирок этишди. Ушбу шеърят кечаси қизиқарли ва мароқли ўтди. Яқунда фаол иштирок этиб, ғолиб бўлганлар муносиб тақдирланди.

Шунингдек, Навоий гарнизонидаги ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари ҳамда Жамоатчилик кенгаши фахрийлари томонидан Навоий шаҳридаги 7-умумтаълим мактабида «Ватан тинчлиги учун барчамиз масъулмиз» шиори остида маънавий-маданий тадбир ўтказилди.

Унда ҳарбий оркестр жамоалари ҳамда санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият улашди.

Муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан намойиш этилган қўл жанги ва фахрий қоровулнинг кўргазмани чиқишлари ёшлар қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Ушбу ҳарбий хизматчилар томонидан давомли ўтказилаётган тадбирлар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бу борадаги таълим-тарбиявий ишларга мамлакатимиз фуқароларини, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини фаол жалб этиш ва ёшлар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва унинг самарадорлиги яққол намоён бўлмоқда.

Марказий ҳарбий округ матбуот хизмати

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАРЗИДА ЎТГАН СУҲБАТ

Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Ангрен ҳамда Чирчиқ гарнизонидаги ҳарбий хизматчилари билан «Инсон қадрини улуғлаш» шиори остида очик мулоқот ўтказди.



Тадбирда қўшинлар қўмондони бугунги кунда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапираётган экан, Ватан ҳимоячиси бўлиш катта шараф эканини таъкидлади.

Учрашув давомида ҳарбий хизматчилар ўзларини қизиқтирган саволлар ва хизмат давомида дуч келинаётган муаммолари ҳамда ўз тақлифлари билан муносабат қилди. Қўмондон томонидан барча саволларга жавоблар берилди, муаммолар жойида ҳал этилиб, берилган тақлифлар эса атрофлича ўрганиб чиқилиши маълум қилинди.

Тадбир якунида ҳарбий хизматчиларга ахлоқий-руҳий барқарорликни мустаҳкамлаш, мард ва жасур бўлишда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Тошкент ҳарбий округи матбуот хизмати

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ!»

Зангиота туманидаги 13-умумтаълим мактабида «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!» шиори остида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Ушбу тадбирда Мудофаа вазирлиги Ахборот коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳамда махсус авария тиклаш бошқармаси, шунингдек, Зангиота тумани халқ таълими бўлими, тумандаги «Ватанпарвар» ташкилоти вакиллари иштирок этди.

Даставвал, ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмани чиқишлари, қўл жанги машқлари йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Махсус авария тиклаш бошқармасининг «Импульс» ҳарбий оркестри томонидан ватанпарварлик руҳидаги куй-қўшиқлари янгради.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Боиси бу орқали ёшларнинг миллати, тили ва касбидан қатъи назар, уларда Ватанга садоқат туйғуси шаклланади. Ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар камол топишади. Бу жараёнда ҳарбий билим юртларининг аҳамияти юқори. Ёшларни соҳага қизиқтириш, тизимда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан таништириш, таълим жараёнларининг олиб борилиши билан таништириш мақсадида Ахборот коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ректори Ҳакимжон Мухиддинов билан давра суҳбати ўтказилди. Мактаб битирувчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан атрофлича жавоб олишди.

Тадбир сўнгисида бир гуруҳ ўқувчилар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Рўзиқул ОЧИЛОВ,
«Vatanparvar»

IMLODAGI SAVOLLI

Bugun imloda duch kelinadigan ba'zi qiyin vaziyatlarga yechimlar bilan tanishamiz. Kerakli tartib-qoidalarni bilib olsangiz, ko'p takrorlanadigan xatolardan uzoqroq bo'lasiz. Siz yozadigan matnlar yanada savodli, tushunarli chiqadi.

Ism-familiyalarni bo'g'inga ko'chirmagan yaxshi.

Imlo qoidalarida ism-familiyalardagi qisqartmalar bo'yicha aniq ko'rsatma bor:

→ **A. J. Jabborov, A. D. Abduvaliyev kabilarda ismning va ota ismining birinchi harfiga teng qisqartmalar familiyadan ajratib ko'chirilmaydi.**

Demak, ism va ota ismni bildiruvchi **A. J.** va **A. D.** kabi yoki ismni bildiruvchi **B.** va **S.** kabi qisqartmalar satrning tepasida qolib, familiya pastga ko'chirilmaydi.

Islmlarda bo'g'in ko'chirish-chi?
Aslida bo'g'inga ko'chirish mumkin. Chunki mumkin emas, degan qoida yo'q. Biroq kishi nomlarini iloji boricha bo'g'inga ko'chirmagan yaxshi. Hatto ism bir satrda qolib, familiya ikkinchi satrga o'tadigan holatlardan ham nariroq bo'lavergan ma'qul. Imkondan tashqari holatlar esa, albatta, bundan mustasno.

Bu qoida qat'iy emas, ixtiyoriy. Lekin tahrir, tushunarlilik va nomga hurmat nuqtayi nazaridan bu qoidaga amal qilish zarur.

Santimetr: sm, sm yoki cm?

O'lcham birliklarini ommaviy axborot vositalari, ilmiy va o'quv nashrlarida Vazirlar Mahkamasi nizomiga ko'ra qo'llash kerak. Buni ko'pchilik bilmaydi. Shu sababli xatoga yo'l qo'yadi yoki behuda tortishadi. Xatoliklar asosan qisqartma shakllarni qo'llashda ko'zga tashlanadi.

Santimetr so'zining qisqartmasini yozish masalasida ham ko'p tushunmovchiliklar bo'lib turadi. Aslida qanday yozish kerak? Matn o'zbek, qoraqalpoq, qozoq, turkman, tojik, rus, ingliz, fransuz va hokazo tillarda bo'lishidan qat'i nazar, O'zbekiston Respublikasida o'lcham birliklari yuqoridagi nizomga asosan yozilishi kerak. Jumladan, santimetr ham.

► **Demak:**

Kirill alifbosida:
To'liq: сантиметр ✓
Qisqartmasi: см ✓
cm, sm ✗

Lotin alifbosida:
To'liq: santimetr ✓
Qisqartmasi: cm ✓
sm, sm ✗

“Yanada”: istisnoli holat

-da yuklamasi o'zidan oldingi so'zdan chiziqcha bilan ajratiladi:

U kitobni qo'lga oldi-**da**, o'qishga tushdi. Va'da bersa-**da**, bajarmadi.

Bundan-da ko'proq o'qi. Oydan-**da** go'zal.

Baxt bilan baxtsizlik yetaklashib yurarkan-da doim.

O'. Hoshimov, “Qalbingga quloq sol”.
Lekin *yana* so'ziga qo'shilganda shu qoida ishlamaydi. Nega?

1. Chunki **yanada** yaxlit so'zga aylanib ketgan, bu yerda -da yuklama sifatida alohida qism emas.

2. Lug'atlarda so'z ayni shu ko'rinishda yozilgan.

“

Tilimizga yangi tushunchalar kirishi tezlashdi. Chunki butun dunyo jadallashgan, yangiliklar ko'p. Bu jarayonda yangi narsalarga ot qo'ya olmasak, hech bo'lmasa, ajnabiy nomlarni o'z tilimizga, imlomizga moslab olishimiz kerak.

Izohli lug'at **yanada** so'zini shunday sharhlagan: belgining oldingi holatiga nisbatan kuchli, ortiq ekanini, shunday bo'lishini bildiradi; yana ham.

Abdusattor ustoziga yetib olishi uchun texnikani yanada puxta egallab olishi lozim edi.

“O'zbekiston qo'riqlari”.

Hovlining ichkarisi yanada befoy edi.

N. Aminov, “Suvarak”.

► **Demak:**

Yanada ✓
Yana-da ✗

QR kod

Tilimizga yangi tushunchalar kirishi tezlashdi. Chunki butun dunyo jadallashgan, yangiliklar ko'p. Bu jarayonda yangi narsalarga ot qo'ya olmasak, hech qursa, ajnabiy nomlarni o'z tilimizga, imlomizga moslab olishimiz kerak.

QR kod inglizcha QR code so'zidan, u esa Quick Response code birikmasining qisqartmasi. Birikma tezkor munosabat kodi degan ma'noni anglatadi. QR kod shtrix kodning bir turi hisoblanadi. Uni dastlab 1994-yili Yaponiyaning “Denso Wave” avtomobil kompaniyasi ishlatgan. O'z ichiga ko'plab ma'lumotni sig'dira oladigan

O'RINLARGA

JAVOB

TOPAMIZ

ushbu kodni kompaniya mutaxassisi Masahiro Hara ishlab chiqqan.

QR kodlar ko'pincha veb sayt yoki ilovalarga yo'naltiruvchi vazifasini o'taydi. Hozir u orqali to'lov qilish ham ommalashib boryapti.

Bu so'z rus tilida chiziqcha bilan yoziladi. Chunki ruschada har qanday juft yoki sifatlovchili o'zlashma so'z orasiga chiziqcha qo'yiladi. O'zbekchada esa bunday emas. Shu sababli QR kod va unga o'xshash so'zlarda defis ishlatmaslik kerak. QR qisqartmasi kodning qandayligini bildiryapti, turini ko'rsatyapti. Xuddi qizil olma birikmasida qizil so'zi olmaning qandayligini sifatlagani kabi.

► **Demak:**

QR kod ✓
QR-kod, QR code, QR cod, QR-cod ✗

Sho'bami yoki shu'ba?

Shu so'zni yozishda ko'p xato qilinadi. Hatto izohli lug'atning o'zida ham so'z bir necha o'rinda **sho'ba** ko'rinishida ketib qolgan. Lug'atlarga ko'ra, bu so'z shu'ba shaklida yoziladi.

Izohli lug'at *shu'bani* shunday sharhlagan:

1. Biror tashkilot yoki muassasaning alohida bir qismi, bo'lim; idora.

Shahar maorif shu'basining vakili shu qo'rani kelib ko'rib, maktab uchun juda mos, deb ketibdi.

H. G'ulom, “Mash'al”.

2. Shashmaqom tarkibiga kiruvchi olti maqomdagi har bir bo'limning nomi.

Demak, bu so'zni hamisha shu'ba shaklida yozish kerak: shu'ba korxonasi, tikuvchilik shu'basi, shu'ba tashkilotlari kabi.

Orif TOLIB,
Respublika ta'lim markazi
mutaxassisi

Turmush chorrahasi

РАШК ЗАХМИ

(воқеий ҳикоя)

Қўшнилари билан чақчақлашиб, вақт қандай ўтганини билмай қолган Ҳамида шом остовасида уйига шомилди. Зинадан кўтарилар экан, «Хотинлар билан суҳбатлашиш яхши-ю, ишларинг қолиб кетади-да. Овқатим қачон пишадими энди», ўзини-ўзи қойиб қўлди, жувон. Овқат тайёрлаш вароварида ошхона деразасидан пастда ўйнаётган қизига қичқирди:



– Саҳида-а, укаларингни олиб, тезда уйга кир. Ҳо-ой, эшитяпсанми?

– Ойижон, яна озгина ўйнайли-ик.

– Уйга кир дедим, кеч бўляпти. – Ҳози-ир, – истамайгина жавоб қайтарди қизгина қовоқларини уйиб. – Ўзингиз кечгача домдаги хотинлар билан ўтирасиз, мактабдан келиб, озгина ўйнай десам...

– Нима деб мингирляяпсан, онага гап қайтаришни кўрсатиб қўяман сенга!

Куйган пиёзнинг ҳиди димоғига урилган Ҳамида шошилиб қозон тепасига келди. «Во-ой, пиёз куйиб кетибди-ю. Сенларни деб овқатим расво бўлди, ҳали уйга киргин!..»

Хизматдан қайтган эрини Ҳамида бетоқат қарши олди.

– Намунча кеч қолдингиз, Ўктам ака?

– Минг йилдан буён шу саволни берасан. Эрта келсам ҳам шу савол, кеч келсам ҳам. Бир хил саволдан чарчамадинг-да, онаси, – ҳорғин жавоб қайтарди кийимларини алмаштираётган Ўктам. – Бугун оғир кун бўлди, топшириқлар кўп.

– Хавотир оламан-да, хизматингиз энгил эмас, чарчаб қолманг, дейман.

– Биламан нимадан хавотир олишингни, – кесатди йигит. – Дилингда доим шайтоний рашк туради.

– Кўзга яқин эркаксиз, яхшигина лавозимдасиз, сизни ҳаммадан қизгансам, нима қилай? – ноз аралаш гапини тўғрилади жувон.

– Бу рашк эмас, касаллик. Атрофингдаги дугоналаринг ҳар хил бемаъни воқеаларни гапириб, мианга жойлаб қўйган ваҳм касаллиги. Эртадан кечгача хотинлар билан валақлашгунча фойдали иш билан шуғуллансанг, бу дарддан фориғ бўласан. Сенга барибир бу гаплардан фойда йўқ, яхшиси, овқатингни олиб кел, дам олмасам бўлмайди, жуда чарчаганман.

Эрининг ҳақ гапларидан энсаси қотган Ҳамида ошхона томон юраркан, «Овқатдаги куйган пиёз таъминини сезиб қолса, битта овқатни эплай олмайсан-у, рашкка бало борми, деб яна кайфиятимни бузади», дилдан ўтказди.

Ҳамида овқатни келтиргунча ўғилчалари ва қизи билан андармон бўлган Ўктам овқатланиб бўлгач, «Дам олмасам бўлмайди, эртага хизматга барвақт боришим керак», дея ётоқхонага кириб кетди. «Хайрият, – энгил тин олди жувон, – ҳозир овқатни гапириб, кайфиятимни бузади, дегандим. Эрим бечора ростдан ҳам чарчаган кўринади».

Ҳамида ётоқхонага кирганда Ўктам донг қотиб ухлаб ётарди. «Телефони ёниқ, бундан чиқди ухлашидан аввал ким биландир гаплашган», эрининг телефонини аста қўлига олди аёл ва очиб улгурмай, янги хабар келди: «Ўктам ака, Дилдораман, квартира топдим, изламай қўяверинг». Ҳамиданинг юраги бир қалқиб тушди. «Дилдора? Қайси Дилдора?! – қалтирай бошлади у. – Квартира топдим, дебдими?» Узига қолса шу тобда эрини уйғотиб, савол-жавоб қилишга шай турган жувон беихтиёр ўзини қўлга олди. «Шошма, ҳозир Ўктам акани уйғотиб, хабар ҳақида сўрасам, ҳар доимгидек, бир баҳона топиб, мени рашкчига, тухматчига чиқаради. Кейин телефонимга рухсатсиз тегма, деб огоҳлантирган, уришиб қолишимиз аниқ. Яхшиси, хабарни ҳозир телефонимга кўчириб оламан. Эртага Дилдора кимлигини аниқлаб, исботи билан эримга юзланаман. Ўшанда қилиб юрган ишига жавоб беради!» Астойдил изқуварликка бел боғлади Ҳамида. То аёлни топиб, эрига яқинлигини исботламагунча, бу ҳақда оғиз очмасликка ўзига сўз берди.

Ҳамида туни билан рашк алами, азобли ўйлар, ҳадсиз саволлар, хиёнат изтироби ичиде тўлғаниб чиқди. Эри билан хаёлан уришди, хизмат жойига бориб, арз қилишни, ўша аёл билан ушлаб олиб, ҳамманинг олдида шарманда қилишни, болаларини олиб, ота уйига кетишни кўз олдида келтирди. Тонга яқин ухлаб қолган жувон кўзини очганида эри аллақачон хизматга кетиб бўлганди. «Болаларни мактаб, боғчага олиб бориш керак, – базўр ўрнидан кўзгалди

у. Ўй-хаёли, дарди дунёси ҳамон Дилдорада эди. – Уни топмасам бўлмайди, йўқса рашкдан жинни бўлиб қоламан. Профилида телефон номери бўлганда-ку, топиш ҳеч гап эмасди. Аммо жуда таниш исм. Шошма, – ҳушёр тортди Ҳамида. – Пандемия авж олганида Ўктам аканинг қўл остидаги ҳарбийлар шаҳардаги шифохона олдига постга қўйилганди. Эрим ҳам куну тун деярли ўша ерда бўлган. Шамоллаб қолганида, «Дилдора исмли ҳамширадан укол оляпман, қўли энгил, зўр ҳамшира экан», деганди. Ҳа-а, мана, гап қаерда, энди мендан кўради, ўша энгил-оёқ Дилдора!..»

Ҳамида болаларини мактаб, боғчага олиб борди-ю, шифохона томон шошилди. Шифохонага кириб бораркан, оппоқ халат кийган ҳамшираларнинг бари унинг кўзига Дилдора бўлиб кўринарди. «Ҳаммаси пардоз-андозли, олифта, бир-бирдан чиройли, – ўзини уларга солиштира бошлади. – Мен болам, эрим, уйим, деб ўзимга қарамай қўйибман. Агар ишлаганимда, булардан чиройли юрардим. Эрим бекорга ишласанг бўлмайдими, демас экан-да! Буларнинг кўпи кўз-қошини бўяб, мен каби содда аёлларнинг эрини йўлдан уради!» алами авжига чиқди жувоннинг. Дилдорани топиб, сочларини битталаб юлгиси келди.

– Синглим, Дилдорахон керак эди, – ичидаги ғалаёнга зид ҳолда майинлик ила ёшгина ҳамширага юзланди Ҳамида. – Қаердан топсам бўлади?

– Дилдора?!
– Ҳа, қўли энгил ҳамшира, деб мақташганди.

– Дилдора опа, тўғри мақташибди, тажрибали ҳамширалардан. Аммо у ҳозиргина навбатчиликни топшириб, уйига кетди.

– Уйига кетди, денг... Лекин жуда зарур эди-да, учрашмасам бўлмайди. Манзилени билмайсизми, ёрдам беринг, синглим...

– Янглишмасам, уйлари шу яқин-атрофда, – нажот истаб турган аёлдан юз буриб кетгиси келмади ҳамширанинг. – Бироз кутсангиз, бирга ишлайдиган шерикларидан манзилени билиб бераман...

Дилдора яшайдиган хонадон эшигини олтиш ёшлардаги басавлат эркак очди.

– Келинг, қизим, ким керак? – ранги униққан, тўғрироғи, гезариб турган Ҳамидага таажжуб билан қаради у.

– Дилдора керак эди.
– Келиним ота-оналар мажлисига мактабга кетганди, тинчликми?

– Тинчлик эмас-да, амаки, – кўзига ёш тўлди Ҳамиданинг. – Келинингиз оиламни бузмоқчи бўляпти.

– Нима, нималар деяпсиз?.. Қани, уйга қиринг, бемалол гаплашайлик.

Ҳамида дилида кечаётган, хаёлида чарх ураётган гумонларни худди ҳақиқатдек, Дилдоранинг қайнотасига тўкиб солди. Сўзининг исботи тариқасида ёзган хабарини кўрсатди. Ҳали ўзи кўрмаган, танимаган жувонга тухмат қилаётганини, яхши бир оила парокандаликка юз тутишини хаёлига ҳам келтирмади.

– Ўғлимга хотинингни кечки навбатчиликда қолдирма, дегандим-а. Мана, оқибати! Менга бундай келин керак эмас!

Ўз назарида катта ишни дўндирган, ҳамон юраги рашкдан ёниб турган Ҳамида уйига қайтди. Аламзада жувон энди эри билан ҳисоб-китоб қилиши керак...

– Телефон қилсам, кўтармайсан, бугун хизматдан барвақт чиққандим, – қўлида бир қатор бозорлик пакетлар билан кириб келди Ўктам. – Рўзғордаги кам-кетикни бирга қиламизми, дегандим, сен билан боғланиб бўлмади. Ўзим бозорлик қила қолдим.

– Бозорлик денг... – эрининг кайфияти жойида эканлигидан ҳайратланди Ҳамида. «Наҳот, Дилдораси хабар бермаган бўлса?»

– Нега сerratийиб турибсан, қўлимдагиларни олсанг-чи.

Ҳамида истамайгина эрининг қўлидаги пакетларни олар экан, гапни, тўғрироғи, жанжални нимадан бошлаш ҳақида ўйларди. Жувон энди оғиз жуфтлаганди ҳамки Ўктамнинг қўл телефони овоз берди. Қўли толган йигит телефонини стол устига қўйиб, баланд овоз тугмасини босди. Унда ёшгина қизнинг миннатдор сўзлари жаранглади:

– Мен дўстингиз Ҳамдам аканинг синглиси Дилдораман, – салом-алиқдан сўнг ўзини таништирди қиз. – Сизга хабар ёзиб юборгандим, жавоб бўлмади, шунга...

– Узр, синглим, хизмат билан бўлиб, эътибор қилмабман.

– Мен курсдош дугоналарим билан ижарага уй топдим. Сизни ҳам хижолатга қўйдик, овора бўлманг, деб қўнғироқ қилияпман. Акам ҳам телефон қилиб қолса керак. Келинойимга салом айтинг.

– Раҳмат, синглим. Ҳамдам билан қўнғироқлашдим, квартира топганингни айтди. Қачон келсанг, эшигимиз очик, дугоналаринг билан келиб, меҳмон бўлиб кет...

Ҳамида турган жойида тош қотди. «Нималар қилдим, нималар қилиб қўйдим?! – оёқ-қўли қалтирай бошлади унинг. – Ҳамширанинг қайнотаси аллақачон келинини ҳайдаб юборган бўлса керак. У аёл Ўктам акани излаб ҳарбий қисмга келиши аниқ. Чунки сўзим исботи билан бўлсин, деб қайнотасига ҳамма маълумотни берганман. Тухматга қолган аёл ҳарбий қисмда жанжал кўтарса... Эрим мени ҳайдаб юборади энди...»

Ҳамиданинг тахминлари тўғри чиқди. Бемулоҳаза аёлнинг рашки сабаб неча инсоннинг ҳаёли улуғлар, ота-оналар, ҳамкасблар... Тортишувлар, жанжаллар, кўзёшлар, вайрон бўлган кўнгишлар...

Рашк аталмиш тўфон оилаларни ютиб юборишига оз қолди.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

Ilmiy yondashuv

Har qanday muloqotning muvaffaqiyatli bo'lishida shaxsning shakllangan sifatleri, fazilatlarining ahamiyati juda katta. Jumladan, harbiy xizmatchilarda ijobiy fazilatlar yaxshi shakllangan bo'lsa (*xushmuomalalik, kamtarlik, insonparvarlik, to'g'riso'zlik, vijdonlilik kabilar*), kommunikatsiya jarayoni ham yaxshi o'tadi. Chunki shaxslar bir-birini to'g'ri tushinishlari uchun, muloqot muvaffaqiyatli bo'lishi uchun ular samimiy bo'lishlari lozim.

MULOQOTNING KOMMUNIKATIV MUVAFFAQIYATI

Samimiylik insonning eng ajoyib fazilatlaridan biri bo'lib, voqea-hodisalarga oqilona munosabatda bo'lish, turli ta'sirlarga berilmaslikdir. Samimiylikning muhim belgisi, bu – yuzdagi xushmuomalalik ifodasi va tabassum. Ammo bu bizning kayfiyatimizga, kishi ko'nglining toza, oqko'ngil bo'lishiga bog'liq. Samimiylik fazilati ayniqsa, boshliqning xizmatchilari bilan qiladigan muloqotida muhimdir. Agar boshliq xizmatchilari bilan ana shunday munosabatda bo'lmasa, mehnat unumdorligi pasayishi mumkin.

Amerikalik psixolog Deyl Karnegining kitobida ko'rsatilishicha, bir rahbar doimo qovog'ini solib yurgan, hamma undan qo'rqib, qochib yurarkan, hatto turmush o'rtog'i bilan ham mensimasdan muomala qilarkan. Karnegining ma'ruzasidan so'ng bu rahbar turmush o'rtog'iga ham, qo'l ostidagi kishilarga ham jilmayib muomala qilishni boshlaganida hamma uni yaxshi ko'rib, obro'si ortib ketibdi. Muomala sirlaridan yana biri kishilar bilan munosabatda jilmayishdir.

Shaxsning o'zi bu usullarga ijobiy munosabat bildirishi, faol harakat qilishi zarur. Chunki muloqotda bo'lmasdan, faoliyat subyekti sifatida ham, individual inson sifatida ham to'laqonli rivojlana olmaydi. Tajribali psixolog A. Bodalev fikricha, muloqotning tarbiyaviy ahamiyati shundaki, u insonning dunyoqarashini kengaytiradi va psixikasini rivojlantiradi. Ya'ni ruhiy jarayonlar muloqot orqali shakllanadi. Shaxsning irodaviy sifatlarini rivojlantirish orqali ham uni muloqotga o'rgatish oson ro'y beradi.

Jamoa muhitini shakllantirishda ikkinchi tomon ham bor bu ruhiy madaniyat kommunikativ tolerantligini shakllantirishdir. Kursantlarga ularning insoniy muloqot, bir-birini baholash xususiyatlari (*"men va boshqalar", "men va boshqalarning ko'zi bilan"*) to'g'risidagi mulohazalarini

rag'batlantiruvchi axborotni berish zarur. Uni suhbatlar, treninglar orqali uyushtirish mumkin. Maxsus mashqlar orqali muloqot usullariga o'rgatish shunga taalluqlidir.

N. Anikeyeva fikricha, boshqa odamlar bilan muloqotda har bir shaxs muayyan ijtimoiy rolni egallaydi. Rollar shaxsni to'laroq ochib berishi, uni niqoblashi mumkin. Lekin pozitsiya – rollarni tanlash albatta insonning mohiyatiga, kuchiga, zaifligiga, salohiyat darajasiga, o'z-o'zini tanqid qila olishiga, xulq-atvorining puxtaligiga, o'zining chetdan ko'ra bilish qobiliyatiga bog'liq bo'ladi.

Muloqotda e'tiborni javobning ijobiy jihatlarga qaratish kursantlarda o'rtoqlarining javoblarini xolisona baholashga maxsus o'rgatadi, ayni paytda mayda-chuydalargacha e'tibor qaratib, sheriklarining javoblaridagi eng muvaffaqiyatli jihatlarni ajratib ko'rsatishga yordam beradi.

Ba'zan muloqotdagi muvaffaqiyatsizliklar harbiy xizmatchilarni benuqsonroq, himoyalanganroq bo'lish uchun o'zidagi eng yaxshi narsalarni yashirishga, buzishga majbur etadi va hech kimga aytishmaydi. O'zi haqidagi va atrofdagi kishilar haqidagi axborot–muloqot usullarini va mazmunli muloqotni tashkil etishga intilishni belgilab beradi. Buning uchun ruhiy tusdagi muayyan ma'lumotlarga ega bo'lish kerak.

Har bir kishiga xos bo'lgan ruhiy xususiyatlar asab tizimi turi bilan belgilanadi va avvalo, temperamentda: ta'sir ko'rsatish sur'atida, ham tabiiy signallarda (*ovoz, yorug'lik, rang, hid, haroratning o'zgarishi*), ham ijtimoiy

signallarda (*so'z, voqea, o'ta sezgirlikda, emotsional qo'zg'aluvchanlikda, tashvishlilik darajasida, ekstraversiya, introversiya*) namoyon bo'ladi. Ekstraversiya bilan introversiya kishining ruhiy tavsifi sifatida muloqot sohasida yorqin namoyon bo'ladi.

Ekstraversiya – individning tashqi dunyoga, introversiya – ichki dunyoga munosabati. Asab faoliyatining kuchli tipi bilan bog'liq ekstraversiya xususiyatlari ustun bo'lgan kishilar ancha kirishimli, aloqalar, tanishishlar doirasiga moyil bo'ladi. Ular ishtiyoq bilan yangi tanishlar orttiradilar, shovqin-suronli davralarni yoqtiradilar.

Introvertlar bu asab faoliyatining zaif tipiga mansub kishilardir. Ular o'z ichki dunyolariga berilishga, kechinmalarga moyillar. Atrofdagilardan ko'p tashvishlanadilar, ular yaqinlarning tor doirasini ma'qul ko'radilar. "Ekstraversiya-introversiya" o'qining o'rtalarida joylashgan kishilar psixologiyada sentrovertlar degan nomni olgan. Ular me'yorida kirishimli, me'yorida yolg'izlikka moyildirlar.

Muloqotda e'tiborni javobning ijobiy jihatlarga qaratish kursantlarda o'rtoqlarining javoblarini xolisona baholashga maxsus o'rgatadi, ayni paytda mayda-chuydalargacha e'tibor qaratib, sheriklarining javoblaridagi eng muvaffaqiyatli jihatlarni ajratib ko'rsatishga yordam beradi. Munosabatlar yaxshilanib, tolerantlik ham shakllanadi. Kamchiliklarni qanday qilib yo'qotish haqida bahslashish, ya'ni

kamchilikni bitta kursantning o'ziga aytish orqali ta'sir qilish ham alohida shaxs sifatlariga bog'liq bo'ladi.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, insonlar o'rtasidagi ijtimoiy munosabatlar Sharqda o'ziga xos xususiyatga ega. Harbiy xizmatchilar ma'naviy dunyosini boyitish, ularning ongiga milliy g'oya asoslarini singdirish, vatanparvarlik hissini tarbiyalash, o'tmish va buyuk kelajak haqida fikrlash, u bilan faxrlanish hissini, yangicha tafakkur shakllanishi jarayonidagi ziddiyatlar va ularni bartaraf etish bilan bir qatorda to'g'ri muloqot o'rnatish talab etiladi. Buning uchun har bir shaxs o'z-o'zini tahlil qila olish, kamchiliklarini bartaraf eta olish va o'zgalar bilan munosabatini yaxshilashi uning shaxs sifatlarini to'g'ri shakllantirishiga bog'liq ekaniga e'tibor qaratishi zarur.

Marhabo NAZARALIYEVA,
Qurolli Kuchlar Harbiy meros va zamonaviy tadqiqotlar instituti katta ilmiy xodimi

Mulohaza



Bir vaqt yoshi katta domla gap boshladi: – Bu kursga 50 nafar talaba qabul qilinishi kerak edi. O'ylashimcha, xonada talabalar soni 50 tadan ko'p... Shunda bir talaba o'rnidan turib, shunday dedi: – Oramizda harbiy xizmatga borganlar, nogironlar va harbiy xizmatchilarning farzandlari ham bor. – Imtiyozli ravishda o'qishga kirganlar o'ringizdan tura olasizmi? – dedi ustozlardan biri. Chamasi, o'n ikkita talaba qo'zg'aldik. Shu tobda ilk bor menga nafarat bilan qadalgan nigohlarni his qildim... Ikkinchi darsga ham kirdik. Orqadan: "Mana bu qiz imtiyoz bilan kiribdi, bizning o'nimizda o'tiribdi, shu bo'lmaganda byudjet bo'lardik, dadasi harbiy bo'lsa, nima qilibdi", degan shivir-shivirlar qulog'imga chalindi. Yuragim birdan orqaga tortib ketdi. O'shanda bu gap-so'zlar hali ko'p ta'qib qilishini o'ylamagan edim. 2000-yilning bahor bilan yoz tortishayotgan pallasi, aprelning yakuni mayning boshi edi. Bir xonali katalakdek uyda oy kuni yaqinlashib qolgan Muazzam harbiy kiyimlarini kiyib, xizmatga o'tlanayotgan turmush o'rtog'iga iltijoli tikilib turardi. Uning ko'z qarashlarida nimanidir "aytsammi-aytmasammi?", degan ikkilanish bordek edi. Oxiri aytishga qaror qildi va ostonaga yaqinlashib qolgan umr yo'ldoshiga iymanibgina shunday dedi: – Dadasi, bugun mazam bo'lmayotq turibdi... haligi... poligonga bormasangiz bo'lmaydimi? Hech bo'lmasa, ishxonada bo'lib tursangiz ham yaxshi edi-da. Nimadir

bo'lsa, qo'ng'iroq qilardim. Axir men bu shaharda hech kimni tanimasam, bilmasam... Ayol gapini tugatar tugatmas er gap boshladi: – Tushun, bu harbiy xizmat. Bormasam bo'lmaydi. Agar biror korhol bo'lsa, ishxonaga qo'ng'iroq qilaver. Ular menga xabar berishadi. – Siz to yetib kelguningizcha... ota-ona, qarindoshlarimiz ham uzoqda bo'lsa... – kelinchakning ko'zida yosh aylandi. – Xavotir olma, hammasi yaxshi bo'ladi. Seni Allohga omonat topshirdim, – Firdavs shunday deb xotining peshanasidan o'pdida, zinadan shitob bilan pastga tushib ketdi. Soat kunduzgi o'nlardan oshganda Muazzamning ahvoli yomonlashdi. Birinchi "Tez yordam"ga qo'ng'iroq qildi, so'ng erining ishxonasiga. Xayriyat, "Tez yordam" mashinasi tezda yetib keldi. Ayol tanadagi og'riq bilan bazo'r narsalarini yig'ishtirib, "Tez yordam" mashinasiga chiqdi. Tug'uruqxonada ayolni tekshiruvdan o'tkazgan shifokor homilaning holati ancha yomon ekanligini aniqladi. Shifokorlar kelishib, ayolni tezda operatsiya xonasiga olishdi. Nihoyat, tushga yaqin mitti qizaloq dunyoga keldi. ...Mohichehra 6 oylik edi. Tinmay isitmalar, chaqaloq juda yig'loq va injiq bo'lib qolgandi. Sovuq kunlar, yangi yil arafasi edi. Shuning uchun ham qizaloqning otasi bir necha kundan beri uyga kelmayotgandi. Odatda, bayram kunlari Vatan himoyasi

Universitetda o'qishning birinchi kuni. Tanish-notanish nigohlar bir-biriga qadalgan. Xonada esa sukunat hukmron. Oradan hech qancha vaqt o'tmadi. Talabalikka qabul qilinishdek "sharafli yo'l"ni bosib o'tgan yigit-qizlar jam bo'lgan auditoriyaga universitet domlari kirib kelishdi.

YO'QOTILGAN YILLAR HADYASI

yanada kuchaytirilardi. Mohichehraning birdan isitmasi yana ko'tarilib ketdi. Yosh va tajribasiz ona nima qilishini bilmay, qizi bilan qo'shib, tinmay yig'lardi. "Tez yordam"ga qo'ng'iroq qildi. Uni tezda shifoxonaga olib borib yotqizishdi. Muazzam shu holda ham yolg'iz qoldi. Umr yo'ldoshiga qo'ng'iroq qilgani bilan hech qanday naf yo'qligini, bayram arafasi ishdan chiqib kela olmasligini bilardi.

Qorachadan kelgan, ko'zlari olmosdek yonib turadigan Mohichehra kun sayin o'sib borar, uning fe'l-atvori keragidan ortiq og'ir edi. Qizchani odamovi bo'lib qolishining sababi doim uydaligi va onda-sonda buvisinikiga borib kelganini hisobga olmasa, kun-u tun faqat onasi bilan bo'lganligida edi.

Qizcha maktab yoshiga ham yetib qoldi. Birinchi sinfga qadam qo'yd. O'sha kuni maktabga onasi bilan birga bordi. Qarasa, maktab hovlisida odam ko'p, tengdoshlari bir-biri bilan tanishish bilan ovora. U kimning oldiga borishni, nima deyishni bilmay, biroz to'xtab qoldi. Shunda uzoqdan 1-"D" sinfi deb yozilgan tayoqcha ko'tarib turgan qizga ko'zi tushdi va tezda uning oldiga borib turdi.

Uning bu fe'li maktabga borganida ham pand berdi. Negadir tengdoshlari bilan til topishib ketolmasdi. Sababi endigina o'ziga yaxshi dugona topganda dadasining xizmati sabab boshqa maktabga ko'chishga majbur bo'lardi. Tabiiyki, bu hol uning o'qishiga ham ta'sir qildi. Har safar ko'chgandan so'ng o'qishini izga solib olishga harakat qilar, ammo turli ustozlarning turli uslublari uni gangitib qo'yardi. Shunday bo'lsada, bitirguniga qadar o'zi qiziqqan fanlar bilan ko'proq shug'ullanishga harakat qildi.

...Erta tong, quyosh allaqachon bosh ko'targan. Xonadan tongning nafis shabodasi ufarardi. Deraza yonidagi dars stolida kitoblar, juda mayda chiqarilgan testlar, qalam va ruchkalar yoyilgan joyda Mohichehra xuddi yumshoq yostiq ustida uxlayotgandek orom olardi. Ha, u doimgidek tuni bilan uxlamay dars qilib chiqqandi. Bir vaqt dadasining ovozini eshitgan Mohichehra sakrab o'midan turdi. "Labbay, dadajon!" deya yugurib, dadasi tomon oshiqdi. "Qizim, yuzingni yuvib chiq, senga xushxabarim bor". Dadasi kulib shunday dedi. U tezda yuvib keldi. Shunda dadasi unga bir parcha qog'oz uzatdi. Unda endi harbiy xizmatchilarning farzandlariga oliy ta'lim muassasasiga kirish uchun 5 foizli qo'shimcha kvota ajratilishi haqida yozilgandi. Shunday bo'lsa-da, Mohichehra baribir o'qishdan chekinmadi, bir kun ham

ilm olishdan to'xtamadi. Chunki u avval o'z kuchiga suyanishni xohlardi.

Imtihon kuni savollar varaqasini ochib, birinchi savolni o'qishi bilan kayfiyati ko'tarilib ketdi. Savollar u o'ylaganchalik qiyin emasdi. Testni tezlik bilan yechib tashqariga chiqdi. Belgilangan kunda imtihon javoblari chiqdi. Davlat granti asosida o'qishga qabul qilinganini eshitganida, o'zini yig'idan tiyolmadi...

Men o'z bolaligimni eslaganimda, ko'chib yurishlar, otamning vaqtli ishga ketib, kech qaytishi, ayniqsa, bayramlarda haftalab dadamning diyorini ko'rolmasligimiz, kasal vaqtlarimiz, bizga dadam kerak paytlari xizmati sababli yonimizda bo'lolmagani – barchasi ko'z oldimdan o'tadi. Ortimda o'tirib, meni muhokama qilayotgan qizlar otasi bilan xiyobonlarni aylana olishgan, tug'ilgan kunlarida birga bo'lishgan. Dadasini sog'inganda unga qo'ng'iroq qilib, xarxasha qila olishgan. Men-chi? Men kabi harbiy xizmatchilarning farzandlari-chi? Hatto tug'ilgan kunimda ham hech qachon yonimda bo'lmaganiga doim o'ksinardim. Otamsiz boy berilgan yoshligimni o'ylab, siqilardim. Muqim bir joyda yashab, do'st ortitrolmaganimdan haligacha afsuslanaman, ko'nglim og'riydi...

Xayolimdan o'tganlarni mulohaza qilib o'tirar ekanman, orqadagi shivir-shivirlar hali ham tinmagandi. Shu lahzada ularga qarab, "Men ham o'qishga kirish uchun sizlardek mehnat qildim, tavsiyanomam bo'lsa-da, yuqori ball to'pladim. O'ylab ko'ring, mening dadamsiz o'tgan yoshligim kemptiklarini mana shu bir parcha qog'oz qoplay oladimi?" degim keldi. Ammo bilaman tushuntirish befoyda. Men-ku, mayli, ammo xizmat davrida yaralangan, yoki halok bo'lgan harbiy xizmatchilarning farzandlari-chi? Ular ham bu imtiyozga loyiqmasmi? Axir ularning otalari ham xalqning tinchligi, osoyishtaligi va farovon hayoti uchun o'z umrini, qalbini tikkan edi-ku. Ular haqida ham gapirish qaysi insoniylik tamoyiliga to'g'ri keladi?

(Keyingi yillarda talabalar orasida shu kabi tushunmovchiliklar bo'lmagligi uchun qarorning o'zida ham barcha imtiyozli kvotalar umumiy kvotadan tashqari deb ilova qilib o'tildi).

Shunday xayollar bilan jimgina o'nimdan qo'zg'aldim va ustozimizning ortidan keyingi xonaga yo'l oldim. Bu yerda meni yangi ustoz va yangi bilimlar kutardi.

Muattar MELIYEVA

Xorij armiyalarida

ҲИНДИСТОН

ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ



Осиё қитъасининг жанубий қисмида жойлашган, аҳоли сони бўйича дунёдаги энг йирик давлатлардан бири бўлган Ҳиндистон Республикаси раҳбарияти ички ва ташқи сиёсий барқарорлик, шунингдек, давлатнинг стратегик манфаатларини таъминловчи Қуролли Кучларнинг жанговар салоҳиятини замон талавлари асосида ривожлантириб боришга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Бундай ёндашув, аввало, қўшни мамлакатлар (биринчи навбатда Покистон ва Хитой) билан кескин давлатлараро зиддиятлар мавжудлиги билан изоҳланади.

Ҳиндистон Қуролли Кучларининг сон жиҳатидан йирик турларидан бири ҳисобланувчи Ҳарбий ҳаво кучлари (ҲХК) зиммасига юкланган асосий вазифалар қаторига Қуруқликдаги қўшинлар ва Ҳарбий денгиз кучларини бевосита авиацион қўллаб-қувватлаш, ҳавода устунликни эгаллаш, давлат ҳудуди, турли қўшин гуруҳлари, муҳим маъмурий, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий-саноат объектларининг ҳаво ҳужумидан муҳофаза қилинишини таъминлаш, десант тушириш, ҳаво разведкасини амалга ошириш, қўшин, жанговар техника ва бошқа турдаги юкларни тегишли жойга етказиш, қидирув-қутқарув операциялари ва табиий офатлар юз берган ҳолатларда аҳолига ёрдам кўрсатишда иштирок этиш ва ҳ.к.лар қиради.

Умумий сони 140 минг кишидан ортиқ бўлган бу турдаги қўшинлар жанговар ва ёрдамчи авиация, шунингдек, ҳаво ҳужумидан муҳофаза бўлинмаларидан ташкил топган. Ўз навбатида, жанговар авиация – қирувчи-бомбардимончи, қирувчи ва разведка қисмларига, ёрдамчи авиация – транспорт, ёқилғи қуювчи, алоқа, узоқ масофаларда радиолокацион аниқлаш ва бошқарув, учувчисиз учуш аппаратлари ва ўқув қисмларига, ҳаво ҳужумидан муҳофаза қўшинлари эса зенит-ракета ва радиотехник қисмларга бўлинади.

Қўшинга ҲХК штаби бошлиғи раҳбарлик қилади. Мазкур лавозимга бош авиация маршали (эквивалент – генерал-полковник) ҳарбий унвонига эга бўлган юқори тоифали офицер тайинланади. ҲХК штаби бу турдаги қўшинларнинг асосий бошқарув органи бўлиб, жанговар шайлик ва жанговар қобилиятни талаб даражасида сақлаш, қўшинни ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури, авиация ва ҳаво ҳужумидан муҳофаза кучларини жанговар қўллаш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, оператив

ва жанговар тайёргарлик, қисм ва бўлинмаларни авиация ва бошқа техника билан таъминлаш, шунингдек, техник ва фронторти таъминоти масалаларига масъул ҳисобланади.

Бу турдаги қўшинлар ташкилий жиҳатдан 5 та авиацион қўмондонлик – Марказий, Ғарбий, Жануби-ғарбий, Жанубий ва Шарқий, шунингдек, 2 та ҲХК базасига бирлаштирилган. Бундан ташқари, улар таркибида марказ бўйсунувидаги қўшилма, қисм ва муассасалар – моддий-техник таъминот ва ўқув қўмондонликлари, стратегик кучлар қўмондонлигига бўйсунувчи ҳарбий қўшилмалар, оператив-тактик ракеталар эскадрильялари бор.

Жами ҲХК жанговар таркибида 46 та авиация қаноти, 3 та «Притхви-2» типдаги оператив-тактик ракеталар эскадрильяси, 46 та бошқарилувчи зенит ракеталар эскадрильяси, 10 та алоҳида кўчма зенит-ракета комплекслари бўғини, «Гаруда» деб номланган махсус вазифаларни бажарувчи кучлар (15 та рота) мавжуд. Эскадрильялар жанговар таркибига қирувчи-бомбардимончи, қирувчи ва разведка самолётлари, ёрдамчи авиация таркибига эса транспорт, ёқилғи қуювчи, узоқ масофаларда радиолокацион аниқлаш ва алоқа самолётлари қиради. Бундан ташқари, вертолётлар, учувчисиз учуш аппаратлари, бошқарилувчи зенит ракеталар ва радиотехник эскадрильялар ҳам ташкил этилган. ҲХК ривожланган инфратузилмага эга бўлиб, унинг таркибида 57 та авиация базаси ҳамда 150 дан ортиқ аэродром бор.

Қўшин ихтиёридаги жанговар авиация таркибидан 90 га яқин «Ягуар» типдаги қирувчи-бомбардимончи, 500 га яқин МиГ-27, турли модификациядаги Су-30МКИ, МиГ-21, МиГ-29, «Мираж-2000Н», «Тежас» Mk 1 типдаги тактик қирувчи, 6 та разведкачи (Боинг-737, HS-748), 180 га яқин ўқув-жанговар (МиГ-21УМ, «Мираж-2000ТН», «Ягуар», «Хок» Mk32), 400 дан зиёд турли типдаги ёрдамчи авиация самолётлари, «Херон», «Лакшья» ва «Сёрчер» типдаги учувчисиз учуш аппаратлари, «Глоубмастер», С-130J «Супер Геркулес», Ил-76, Ан-32, HS-748 «Авро»

ва бошқа типдаги ҳарбий-транспорт, ёқилғи қуювчи, ўқув, узоқ масофаларда радиолокацион аниқлаш ва алоқа самолётлари, шунингдек, Ми-35, Ми-25 ва АН-64 «Апач» типдаги зарбдор, Ми-8, Ми-26, «Дхрув», «Четак», «Читах», СН-47 «Чинук» типдаги жанговар таъминот ва транспорт вертолётлари жой олган. Ҳаво ҳужумидан муҳофаза қисмлари узоқ ва ўрта масофаларга мўлжалланган С-125 «Печора», «Акаш», «Оса-АКМ» ва бошқа типдаги зенит-ракета комплекслари, шунингдек, «Игла» типдаги кўчма зенит-ракета комплекслари билан таъминланган.

Ҳар йили ҲХК штаби ва бирлашмаларнинг бошқарув органлари томонидан турли миқёсдаги ҳарбий машқлар ҳамда оператив ва жанговар тайёргарлик тадбирлари ўтказилади. Учувчилар ва техник таркиб тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилади. Жанговар авиация учувчиларининг ўртача учуш миқдори йилига 220 соатдан зиёд вақтни ташкил этади. Бунда ҳавода жанг олиб бориш, ердаги нишонларга ракета-бомба зарбалари бериш кўникмалари пухталанади, шунингдек, самолётларни автомобиль йўлларида учуриш ва қўндириш услугиёти ўзлаштирилади.

Ҳиндистон Ҳарбий ҳаво кучларини бутлаш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бунда ҳарбий хизматга танлов офицерлар учун ҳарбий ўқув ю р т л а р и – Миллий ҳ а р б и й академиянинг авиация факультети (ўқиш муддати 3 йил) ва ҲХК академиясида (2 йил) ўқиш орқали; кичик командирлар ва оддий аскарлар таркиби учун эса мамлакатнинг бутун ҳудуди бўйлаб жойлашган доимий ёллаш пунктлари тизими орқали ўтказилади.

2027 йилгача мўлжалланган ривожланиш режаларига мувофиқ, авиация қўмон-

донликларининг ташкилий-штат тузилмасини оптималлаштириш, жанговар ва таъминот кучлари ҳамда воситаларини бошқариш тизими ривожини янада тезлаштириш, ҳаво ҳужумидан муҳофаза кучлари салоҳиятини ошириш ва аэродром инфратузилмасини такомиллаштириш кўзда тутилган. Бу вазифаларни амалга ошириш учун ҳар йили 8 млрд доллар миқдорда маблағ ажратиш режалаштирилган.

Биринчи навбатда жанговар авиация, шунингдек, ёрдамчи ва ўқув қисмлари миқдорини ошириш, шунга боғлиқ ҳолда замонавий авиатехника, шу жумладан, кўп мақсадли «Рафаль» ва «Тежас» Mk 1 типдаги қирувчи ва бошқа турдаги самолётлар, шунингдек, турли типдаги вертолётлар ва зенит-ракета комплексларини харид қилиш дастури амалга оширилишини тезлаштириш, «Брамос» типдаги қанотли ракета синовларини якунига етказиш, ҳаво ҳужумидан муҳофаза қисмларини катта масофаларга (400 км.гача) мўлжалланган EL/M-2082 «Адар» ва бошқа типдаги замонавий радиолокация станциялари билан таъминлаш режалаштирилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, бугунги кунга келиб Ҳиндистон Ҳарбий ҳаво кучлари мамлакатнинг миллий манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш борасидаги кенг қўламли вазифаларни амалий ҳал қилиш имконини берувчи юқори жанговар салоҳият ва кудратга эга.



Ma'rifat



Ўтган танлов давомида сарҳадларимиз посбонларининг интеллектуал салоҳияти, мантикий фикрлаш қобилияти, зеҳни ва хотираси синовдан ўтди. Якуний натижаларга кўра, 3-ўрин контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ш. Полвоновга насиб этган бўлса, иккинчи ўринга катта лейтенант Х. Ҳакимов муносиб деб топилди. Кичик сержант О. Бегимов эса кўрик-танловда 1-ўринни қўлга киритиб, «Энг яхши китобхон» сифатида эътироф этилди. Фолиблар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими томонидан

Танлов натижаларига кўра, кичик сержант Жамолиддин Махмоновнинг фарзанди Саидкомил Махмонов 1-ўринни қўлга киритди. Танлов якунида ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Андижон вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида ҳам «Она Ватанга хизмат қиламан» ва «Менинг дадам Ватан ҳимоячиси» шиори остида ўтказилган танловлар чегарачиларнинг фарзандларини бир ерга жамлаб, уларнинг ижодий маҳоратларини намоён этишга хизмат қилди. Эртамиз эгалари берилган мавзунини ўзгача иштиёқ ва қизиқиш билан ифодалаганлари сабаб, ҳакамлар ҳайъатига танлов қатнашчиларининг ишларини баҳо-

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ЮКСАКЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Китоб инсонни камолот сари етаклаб, унинг маънавий оламини бойитувчи, дунёқарашини шакллантириш билан бир қаторда, теран фикрлашга ундови беваҳо хазинадир. Шу боис мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳа вакиллари, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус доирасида ҳам республикамиз бўйлаб қатор маънавий-маърифий тадбирлар, китобхонлик кечалари ва турли танловлар ўтказиб келинмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтди. Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими етакчи мутахассислари Д. Жумаева ва С. Амирхоннова ҳакамлик қилган «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови давомида юрт ҳимоячилари уюшма томонидан тақдим этилган миллий ва жаҳон адабиётининг 60 та сара асаридан тузилган саволлар асосида ўзаро беллашдилар.

Қизгин баҳс ва мунозаралар, фикр-мулоҳазаларга бой тарзда

китоблар тўплами ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Беш муҳим ташаббус доирасида ташкил этилган тадбирлардан яна бири Фарғона вилоятининг Сўх туманида жойлашган Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтди. Ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳарбийликка бўлган қизиқишларини янада оширишга қаратилган мазкур тадбир давомида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ўртасида «Осойишта юрт фарзандлари» шиори остида расм чиқиш танлови ўтказилди. Болалар мурғак қалблари ила ҳис этган тинчлик ва осойишталик тушунчаларини ўз тасавурлари орқали ифода этишга ҳаракат қилдилар.

лаш осон кечмади. Узоқ муҳокама-лардан сўнг 3-ўрин Ф. Эркиновга, 2-ўрин А. Абдуманноновга ва фахрли 1-ўрин М. Махаматовга насиб этди.

Ёшлар иштирокидаги тадбирлардан яна бири Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтди. Унда муҳофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Андижон вилояти кенгаши ёшлари қатнашдилар. «Уч авлод» учрашуви шаклида ташкил этилган тадбир давомида эртамиз эгалари Чегара қўшинлари фахрийларидан соҳага оид ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Майор Фарида БОБОЖОНОВА
ДХХ Чегара қўшинлари

Uchrashuv

МАҚСАД — YOSHLARNI YETUK ETIB TARBIYALASH

Ўзбекистон Республикаси mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti Markaziy kengashi raisi Husan Botirov boshchiligidagi ishchi guruh xizmat safari bilan tashkilotning Surxondaryo viloyati kengashiga tashrif buyurdi.

Ishchi guruh xizmat safarining ilk kuniyoq qiziqarli va sermahsul uchrashuvlarga boy bo'ldi. Husan Botirov Surxondaryo viloyati hokimining yoshlar siyosati, ijtimoiy rivojlantirish va ma'naviy-ma'rifiy ishlari bo'yicha o'rinbosari Ilhom Saparov, Yoshlar ishlari agentligi viloyat boshqarmasi boshlig'i Jamshid Choriyev, Sportni rivojlantirish bosh boshqarmasi boshlig'i Abdumutalib Arabov, Janubiy operativ qo'mondonligi boshlig'i o'rinbosari polkovnik Alisher Shirinov hamda Mudofaa va Ichki ishlar vazirliklari, DXX Chegara qo'shinlari, Milliy gvardiya tizimida xizmat qilib, nafaqaga chiqqan 25 nafar faxriy bilan uchrashdi.



Muloqot davomida Husan Botirov "Vatanparvar" tashkiloti tomonidan respublika bo'ylab aholi, ayniqsa, yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ular orasida sportning texnik va amaliy turlarini ommalashtirish va ommaviy texnik kasb mutaxassislarini tayyorlash borasida olib borilayotgan keng qamrovli sa'y-harakatlar to'g'risida ma'lumot berar ekan, viloyat mutasaddilarini bu ishlarni amalga oshirishda hamkorlikni yanada kuchaytirishga chaqirdi.

"Agar biz maqsadimiz sari hamjihatlikda qat'iyat bilan harakat qilishda davom etsak, ham ma'nan, ham jismonan va ma'lum bir ishning boshidan tutgan yoshlar yetishib chiqishi shubhasiz", dedi jumladan "Vatanparvar" tashkiloti rahbari.

Qizg'in muhokama va fikr-mulohazalar bilan o'tgan uchrashuv so'ngida hamkorlikda amalga oshiriladigan istiqboldagi vazifalar belgilab olindi.

Mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti matbuot xizmati

Ogohlik

YONG'IN PROFILAKTIKA TADBIRLARI

Mudofaa vazirligi yong'in xavfsizligi xizmati tomonidan Markaziy harbiy okrug tasarrufidagi harbiy qism va muassasalarda tekshiruvlar va yong'in profilaktika tadbirlari olib borildi.



Ushbu tadbirlar davomida shtatli va shtatdan tashqari yong'in o'chirish komandalarining jangovar shayligi, yong'in o'chirish avtomobil texnikalari, yong'inni o'chirishda foydalaniladigan qurol-aslahalar hamda birlamchi yong'in o'chirish vositalarining holati tekshirildi.

Tekshiruvlar davomida yong'in o'chirish komandalarining yong'inni bartaraf etish borasidagi harakatlari qo'riqlanayotgan obyektlarda shartli "Yong'in trevoga" signallari e'lon qilish orqali amalga oshirilib, ularning sergakligi yanada oshirildi, shuningdek, harbiy qism va muassasalarda mavjud bo'lgan yong'in o'chirish avtomobillari, texnik qurol-aslahalari, birlamchi yong'in o'chirish vositalari shay holatga keltirildi.

Shuningdek, Samarqand garnizoni yong'in nazorati inspeksiyasi boshlig'i mayor P. Boyqo'ziyev tomonidan Kattaqo'rg'on garnizonidagi harbiy qismlarning birida yong'in o'chirish komandasining tungi vaqtda jangovar shayligi ham tekshirildi. Shu bilan birgalikda, harbiy xizmatchilarga yong'in o'chirish vositalaridan foydalanish tartibi, e'tiborsizlik oqibatida turli ko'ngilsiz holatlarning kelib chiqishi yuzasidan tushuntirish ishlari olib borildi.

Mudofaa vazirligi yong'in xavfsizligi xizmati tomonidan harbiy qism va muassasalarda yong'inga qarshi profilaktika tadbirlari o'tkazilishi davom etmoqda.

Podpolkovnik Z. KENJAYEV,
Mudofaa vazirligi yong'in xavfsizligi xizmati boshlig'i

Profilaktika

HUQUQBUZARLIKLARNING OLDINI OLISH YO'LIDA

Toshkent harbiy prokuraturasi tomonidan Mudofaa vazirligiga qarashli harbiy qismlarning birida harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolari ishtirokida "Huquqbuzarliklar profilaktikasi" kuni munosabati bilan "Tajribasiz haydovchi - xavf-xatar va halokat manbai", "Korrupsiya va milliy taraqqiyot - muammo va yechimlar", "OITS kasalligi va uning salbiy oqibatlari" kabi mavzularda tadbir o'tkazildi.



Unga O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi o'qituvchisi, Respublika va Toshkent harbiy sudlari sudyalari, Markaziy harbiy klinik hospital, Toshkent harbiy avtomobil nazorati vakillari va boshqa yetakchi mutaxassislar taklif qilindi.

Tadbirda Toshkent harbiy prokuraturasi xodimi va mutaxassislar so'zga chiqib, korrupsiyaga qarshi kurash va bu turdagi jinoyatlar uchun javobgarlik masalalari hamda boshqa mavzular yuzasidan atroflicha ma'lumotlar berishdi.

Ibrohim FAYZULLAYEV,
Toshkent harbiy prokurorining katta yordamchisi

Mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotlarida

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Farg'ona viloyati kengashi tasarrufidagi Bag'dod tumani o'quv sport-texnika klubida yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, texnik mutaxassislar tayyorlash hamda sportning texnik va amaliy turlarini yanada yuqori saviyaga ko'tarish borasida muayyan ishlar amalga oshirilmoqda.



Muhimi, mazkur o'quv sport-texnika klubida bo'lajak haydovchilar uchun zarur shart-sharoitlar yaratilgan. Ma'naviyat va ma'rifat xonasi, avtodrom, o'quv xonalari, turli rusumdagi o'quv-mashq avtomobillari va boshqa o'quv inshootlari faoliyati izchil yo'lga qo'yilgan. Shuningdek, O'STKda tuman yoshlarining jismoniy, ma'naviy-ruhiy jihatdan ham yetuk bo'lishlariga alohida e'tibor qaratilyapti. Tashkilotda turli sport musobaqalarini tashkillashtirish ham keng yo'lga qo'yilgan.

– Mamlakatimiz mustaqilligining 31 yilligi munosabati bilan "Yangi O'zbekistonda el aziz, inson aziz"

QIZG'IN MEHNAT JARAYONI DAVOM ETMOQDA

degan bosh g'oyani o'zida mujassam etgan ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar, davra suhbatlari hamda sport musobaqalari o'tkazildi, – deydi O'STK boshlig'i Ulug'bek Mo'yiddinov. – Tuman hokimligi, mudofaa, xalq ta'limi, Yoshlar ishlari agentligi hamda Ma'naviyat targ'ibot markazi tuman bo'limlari bilan hamkorlikda o'tkazilgan tadbirlar ham ana shu muhim sanaga bag'ishlandi. Albatta, bunday tadbirlar yoshlarning qalbida ona Vatanga muhabbat va sadoqat hissini, vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirishda muhim o'rin tutadi.

Bag'dod tumani o'quv sport-texnika klubida ommaviy kasb mutaxassislarini tayyorlash, sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish borasida ham bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, joriy yilning o'tgan oylari mobaynida 750 nafar "B", "BC", "BE", "CE" hamda "D" tofali haydovchi tayyorlashga erishildi. Bundan tashqari, tuman "Yoshlar daftari" ro'yxatiga kiritilgan 50 nafar shu toifadagi yosh ham imtiyoz asosida "BC" toifali haydovchilik kurslarini muvaffaqiyatli ravishda bitirib chiqdilar. "Havo miltig'idan o'q otish", "Yozgi biatlon", "Motokross", "Avtokross" hamda "Karting" kabi sport seksiyalarida faoliyat yuritayotgan 60 nafar yosh turli sport musobaqalarida faxrli o'rinnlarni qo'lga kiritdi.

Ayni paytda O'STK jamoasi tarkibida katta mehnat tajribasiga ega, bilimli, o'z ishiga mohir o'qituvchilar hamda amaliy boshqarishni o'rgatuvchi-ustalar talaygina. Bugun haydovchilikka nomzodlarning imtihon hay'ati qabul qilgan sinovlardan muvaffaqiyatli o'tayotganliklari ham ana shunday ustozlar faoliyati ijobiy samara berayotganligidan dalolatdir.

Shu kunlarda ham tashkilotda bu jarayon qizg'in davom ettirilmoqda. Ayni paytda turli rusumdagi avtomobillarni epcchilik bilan boshqarish, xavfsiz harakatlanish bo'yicha darslar olib borilib, bo'lajak haydovchilarga nazariy va amaliy tushunchalar berilmoqda.

Bag'dod tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi tumanda istiqomat qilayotgan yoshlarni va haydovchilik kasbini egallamoqchi bo'lgan barcha fuqarolarni "B", "BC", "BE", "C", "D" toifali haydovchilik kurslariga o'qishga hamda sportning texnik va amaliy turlaridan – "Havo miltig'idan o'q otish", "Motokross", "Avtokross", "Karting" va "Yozgi biatlon" kabi seksiya va to'garaklarda shug'ullanishga taklif etadi. Mashg'ulotlar malakali va tajribali ustoz-murabbiylar tomonidan olib borilishi kafolatlanadi.

📍 Bag'dod shaharchasi
Qo'shchinor ko'chasi, 2-uy.

☎️ 99-012 09 26; 93-373 19 77.



HAYOTIY SABOQLAR

(ruhiyat)

Kenglik va xotirjamlikni o'rganing. O'limdan boshqa hech narsa ko'ringani kabi muhim emas.

Kayfiyatingiz bo'lmasa, xomush va tushkun bo'lsangiz, bunda hech kimning aybi yo'qligini o'ylab, tabassum qilish kerakligini o'rganing.

Jasurlikni, hatto jur'at topolmasangiz ham jasoratliddek harakat qilishni o'rganing. Bular orasidagi farqni hech kimsaga sezdirmaslik o'z qo'lingizda.

Noroziligingiz faqat 15 daqiqa davom etsin, undan keyin, albatta, nimalarnidir bilishingiz kerakligini o'rganing.

Hech kim sir saqlayolmasligini biling, nimanidir eshitgan inson bu haqda albatta kimgadir aytishni istaydi.

Javobini bilmaganingiz va amin bo'lmaganingizda, "Bilmayman", deyishlik nihoyatda foydali ekanini o'rganing.

Gapirmay turganingizda xatolaringiz ko'paymasligini o'rganing.

Muvaffaqiyat lift emasligini, uni qo'lga kiritish uchun harakat qilishni o'rganing.

Atrofdagi insonlar sizga faqat o'z izmingizga ko'ra muomala qilishlarini biling.

Keraksiz, arzimagan narsalar uchun sarflangan asab tolalarini vaqti kelib, yillar ham, sababchi narsalar, odamlar ham qaytarib berolmasligini o'rganing.



AYOLLAR BEKATI

Karamli kotletlar



Bu kotlet parhez saqlayotganlar uchun ayni muddao. Juda ham foydali va tayyorlanishi oson.

K e r a k l i masalliqlar: 1\4 karam, 1 dona sabzi, 2-3 dona sarimsoq, 3-4 osh qoshiq un,

tuz, murch, ta'bga ko'ra ziravorlar va qovurish uchun 1-2 osh qoshiq zaytun yog'i.

Tayyorlash jarayoni: karamni to'rtadan bir qismini va sabzini qirg'ichdan chiqaring. **M a y d a l a n g a n** sarimsoq hamda un solib aralashtiring. Ta'bga

ko'ra tuz, murch va boshqa ziravorlardan solib, yaxshilab aralashtirib, kotletlar yasab oling. Tovaga zaytun yog'i solib, har ikkala tomonini qizarguncha qovurib oling.

Yoqimli ishtaha!



Suhbat

Тавиат ҳар бир инсонга санъатнинг маълум бир турини юқтирган бўлади. Аммо буни кимдир англайди, кимдир умр бўйи билмай ўтади. Аксарият ҳолларда инсоннинг энг яқини – оналар буни ҳаммадан кўпроқ, ҳаммадан ёркинроқ пайқайдилар. Қаҳрамонимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, балетмейстер Эркин Қаҳҳоровнинг ҳаёти ҳам бунга бир мисол бўлади. Биз санъаткорнинг касб машаққати, санъат ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида суҳбатга чорладик.

спектаклида Қоработир ролини ижро этганман. Шу-шу, менинг балетга бўлган қизиқишим бошқа рақс турларидан кўра ортиб борди.

САНЪАТ САҲНАСИДАН УРУШ САҲНАСИГА ЙЎЛ

Биласиз, ўша кезлар қишлоқларда армияда хизмат ўтамаган йигитларни қизлар унчалик менсимас, йигитлар ҳам ошналари даврасида бошини баланд тута олмасди. Билим юртини тамомлаб, армияга кетдим. 1988–1990 йиллар Афғонистон республикасида ҳарбий хизматни ўтадим. Ҳозир муболағадек

санъатдан кетмадим, мана, эндиликда бўлажак раққосларга дарс бераман.

Биласизми, йигитлик хизматидан кейин саҳнага қайганимда раққос йигитлар ансамблини ташкил этишни орзу қилганман. Аслида бу ўй кўпдан бери бор. Чет элга гастроль сафарларига чиққанимда кузатардим: Ўзбекистондан бир-иккита йигит балетмейстерлар борса, грузинлардан, чеченлардан, умуман, бошқа миллатлардан



РАҚС МЕНИНГ ҲАЁТИМ

БЎЛАЖАК БАЛЕТМЕЙСТЕР

Мен Фарғона вилояти, Қува шаҳридаги Найман қишлоғида ишчилар оиласида туғилганман. Онам колхоз бригадири, отам эса тракторчи бўлиб ишлаган. Оилада етти ака-ука, опа-сингил бир-биримизга болалиқдан кўмак бериб, меҳнат ичида улғайганмиз. Болалигимизда маҳалламизда арча атрофида бўладиган янги йил байрамлари, миллий байрамлардаги раққосларнинг чиқишларини кузатиб, менда ҳам санъатга илк меҳр ва қизиқиш уйғонган. Тенгдош болалар билан кимўзарга рақс тушиш-ку жони дилим эди. Мактаб саҳналари менинг санъатга илк қадамим эди, десам балки янглишмасман. Барибир инсон бир йўлни танлар экан, унга аввало муҳит таъсир қилади. Рақсга бўлган зўр иштиёқимни кўриб, онам Бахтихон ая мени Тошкентда таълим олишимни хоҳлади ва бир кун қўлимдан тутиб, қишлоқдан пойтахтга – Тошкент хореография билим юртига ўқишга олиб келган.

Аввалига мени миллий рақслар раққоси бўлади деб ўйлаган ҳамма. Шу сабаб олийгоҳда миллий рақс йўналишида ўқидим. Аммо йиллар ўтиб, балетга қизиқишим ортиб борди. Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театри жамоаси билан биргаликда гастроль сафарларига борар эдим. Илк сафаримиз Москва шаҳрига бўлган ва у ерда «Тоҳир ва Зухра»

туюлар, аммо биз тоғу тошларда, ҳақиқий уруш ичида хизмат ўтадик. Афғондаги ҳаётим алоҳида мавзу. Эртага ё индинга кетадиган ёш-навқирон йигитлар тасодифан бомба портлаши натижасида ҳалок бўлган ҳолатларнинг қанчасини кўрмадик дейсиз. 200 кишидан 95 киши Афғонистоннинг энг нотинч ҳудудларида хизмат қилар эди. Кимлар ортга соғ-саломат қайта олди, кимлар эса йўқ. Армияга кетаётганимда, онамнинг сочлари қоп-қора эди. Хизматдан қайтганимда эса оппоқ сочлардан ўзгасини кўрмаганман. Сабаби айрим сафдошларимга келган «қорахат»лар онамни қаттиқ хавотирга солган. Армиядан қайтганимдан сўнг, санъатдан кетмоқчи ҳам бўлдим. Сабаби ҳали оғрикли хотиралар юракдан ўчмаган эди. Аммо устозим Нарзулла Шерматовнинг панд-насихатлари, ундовлари, дастак-далдалари сабаб яна санъатга қайтдим. Уйимга қайтгандай энгилликни ҳис қилдим. Шунда билдимки, санъат ҳаётимга айланиб бўлган экан...

РАҚС БИЛАН ДУНЁНИНГ 46 ТА ДАВЛАТИНИ КЕЗДИМ

Санъат турлари кўп, аммо нега айнан рақс, нега айнан балет деган саволлар кўп берилган менга. Бунга аниқ жавоб бера олмайман. Ҳамма ҳам борини бериб, рақс туша олмайди. Бунда кишига озгина журъат, қобилият ҳам керак. Мен нафақага чиққунимгача саҳнада бўлдим, рақсни ташламадим. Кейин ҳам

уларнинг сони кўп эди. Уларга ҳар сафар ҳавас билан қарардим. Ўшандаёқ бир кун йигитлар ансамблини яратаман, деган мақсад пайдо бўлган. Мана бугун «Суворийлар» раққос йигитлар ансамбли катта концертларда, давлат тадбирларида, халқнинг хизматида... Шогирдларнинг ютуғи эса биз устозларнинг ҳам ютуғи...

Маълумот ўрнида: Эркин Қаҳҳоров 1990–1995 йилларда «Шодлик» ансамблида фаолият юритган. 1990 йилда «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотланган. 1990 йилда Франция, Япония давлатига, 2006 йилда АҚШда ўзбек миллий рақсларини намойиш этишда жонбозлик кўрсатди. 1990–2015 йиллар оралиғида 40 дан ортиқ мамлакатда ўзбек халқининг сўнмас мулкига айланган миллий рақс санъатини намойиш этди. Тайван, Тайпей, Таиланд фестиваллари иштирокчиси, Туркия, Малайзия, Ҳиндистонда ўтказилган халқаро рақс байрамлари совриндори.

Эркин Қаҳҳоров педагог-хореограф сифатида республика миқёсида бўлиб ўтадиган нуфузли байрам тадбирларида оммавий рақсларни саҳналаштиришда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон давлат хореография академияси талабаси Севара НУРМАТОВА суҳбатлашди.

BILASIZMI?

OQ SOCHLARNI BO‘YASH

Hazrat Navoiy oq sochni qoraga bo‘yash jarayonini Alloh tomonidan berilgan nurni zulmatga aylantirish, deb ta’riflagan. Rudakiy esa shu holatni o‘tgan umrni motamga aylantirish, deya yozadi.



HECH QAYERGA SHOSHMAYAPMAN...

Genri Ford doim jurnalistlar ta’qibida yurgan. Bir kuni u Nyu Yorkda “Lanchester” avtomobilida sayr qilib qoladi. Darrov jurnalistlar uni qurshab olib, uni nega “Ford” emas, “Lanchester” minib yurganini so‘rashadi. Shunda u o‘z firmasining markasini ushlagan holda: “Men ta’tildaman, hech qayerga shoshmayapman. Shuning uchun “Ford”da emasman”, deb javob beradi.



@Vatanparvargazetasi_bot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog‘lanish uchun telegram bot



SHU SONNING ELEKTRON SHAKLI

VATANPARVAR

MUASSIS



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

polkovnik Hamdam Qarshiyev
polkovnik Otabek Yuldashev
polkovnik Alisher Boboxonov
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.

Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – “Vatanparvar” birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo‘lim: 71 260-29-41
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: katta leytenant Bobur Elmurodov

Sahifalovchi: Dilnoza Meliqo‘ziyeva
Musahhih: Sayyora Mirzayeva

Buyurtma: G-0905
Hajmi: 6 bosma taboq
Bichimi: A3
Adadi: 29 799 nusxa
Bosishga topshirish vaqti: 14:00
Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi.
Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko‘rsatkichi: 114.
Bahosi: kelishilgan narxda.

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:
100164, Toshkent, Universitet ko‘chasi, 1-uy.